<sup>22</sup> Лаффаси, в частности, упоминает о четырех визитах Асфандияр-хана в Россию, совершенных соответственно в 1911, 1913, 1915, 1917 гг. См.: Лаффаси Хасан Мурад. *Гулисан-и саодат*, ркп. ЦВР ТашГИВ, № 7797. л. 8а-8б, 17б, 80б, 83б.

<sup>23</sup> Так произошло, например, в 1916 г., когда Асфандияр-хан вместе со всеми своими чиновниками выехал в Таш-Хавуз на встречу с генерал-лейтенантом А. Галкиным, военным губернатором Сырдарьинской области. В Хиве для приема жалоб от населения был оставлен верховный казий (*кази дар үл-каза*) Дамулла Худайберган Ахунд. См.: Лаффаси, Гулсан-и саодат. Л. 64а.

характерно свидетельствует описание хивинского автора Бабаджана Тарроха, служившего при дворе Мухаммад Рахим-хана II в качестве придворного поэта и писаря (*мирза*)<sup>24</sup>. Описывая последние годы жизни и правления этого хана, автор сообщает, что как для него самого, так и для его ближайшего окружения, настоящей дилеммой стало регулярное проведение процедуры *арздод* вследствие прогрессирующего недуга правителя, повлекшего частичную парализацию его конечностей (*халқни арз-додига чиқшига йарамас булди*)<sup>25</sup>. Сам хан, по словам Тарроха, предложил передать функции приема жалоб и прошений от населения наследственному принцу Асфандияру. Однако, опасаясь, очевидно, неверных слухов и толкований среди населения и, следовательно, потенциальных волнений, вызванных отсутствием правителя, приближенные хана все же смогли настоять на его личном участии в процедуре<sup>26</sup>. Для этого, как повествует автор, была заказана специальная повозка, на которой непосредственно перед началом процедуры хана ввозили на возвышение в *арзхона*. Затем, во время собственно самого приема жалобщиков/просителей один из придворных *махрамов* — Давлат Мурад должен был подпирать спину восседающего на троне правителя. «*Таким образом, — заключает Бабаджан Таррох, — Мухаммад Рахим-хан II выслушивал жалобы своих подданных еще в течение почти одного года [вплоть до своей смерти]*»<sup>27</sup>.

<sup>24</sup> Бабаджан Таррох-Ходим (1878–1971) — в начале XX в. входил в число придворных поэтов хивинского правителя Мухаммад Рахим-хана II. Уже в советский период в 1965– 1967 гг. Таррахом было написано сочинение, освещавшее отдельные детали биографии, творческой и профессиональной деятельности 31 придворного поэта на основе его личных воспоминаний. Сочинение стало доступным благодаря инициированной его потомками публикации арабографического сочинения (находящегося в их личном архиве) на кириллице (*табдил*). Первое сокращенное издание текста было осуществлено в 1994 г. (см.: Хоразм навозандалари. XIX аср охири — XX бошларида Сайд Мухаммад Рахимхони соний даврида яшаган шоирлар хакида эсдаликлар. Тошкент: Faфур Фулом адабиёти ва санъат нашриёти, 1994). Позднее в 2011 г. вышло в свет второе более полное издание (см.: Бобоҷон Тарроҳ — Ҳодим. Хоразм шоир ва навозандалари. Табдил этиб, нашрга тайёрловчи А. Отамуродова, О. Абдураҳимов. Тошкент: Tafakkur qanoti, 2011).

<sup>25</sup> Бобоҷон Тарроҳ-Ҳодим. Хоразм шоир ва навозандалари ... С. 30.

<sup>26</sup> По словам Тарроха, один из приближенных и высших сановников хана Худояр Кушбеги мотивировал хану свою позицию следующим образом: «Вы знакомы с историей; не подобает [правителю] при жизни передавать свои полномочия наследнику». Бобоҷон Тарроҳ-Ҳодим. Хоразм шоир ва навозандалари ... С. 30.

<sup>27</sup> Там же.

Примечательно, что цитируемые здесь хивинские авторы — и Таррох, и Лаффаси, сообщая о долговременных отлучках или недуге верховного правителя, среди иных вопросов управления государством акцентируют внимание, прежде всего, на осуществлении приема прошений и жалоб от населения. Лаффаси, повествуя о сравнительно частых отлучках Асфандияр-хана из страны, информирует читателя прежде всего о лицах, оставленных в отсутствие последнего ответственными за прием жалоб от населения. Аналогичным образом Таррох среди возможных осложнений в управлении государством, с которыми столкнулись придворные элиты Хивы вследствие болезни престарелого Мухаммад Рахим-хана, опять же выделяет проблему проведения процедуры *арзодод*. Такое внимание местных авторов к данному вопросу характеризует значение этой процедуры как ключевой и, возможно, первостепенной функции верховной власти и лично государя в глазах подданных.

В целом, судя по документам, прием ханом прошений и жалоб от населения продолжался неизменно вплоть до непосредственной ликвидации ханской власти в феврале 1920 г.<sup>28</sup>.

Таким образом, в более широком своем значении, проведение процедуры *арзодод* носило важное одновременно практическое и символическое значение. Символический характер, выражался в самой ритуализации процедуры, демонстрирующей гражданам действенность верховной власти, ментальную и физическую способность хана вникать в дела и нужды своих подданных, а также выносить справедливые решения. В свою очередь, для подданных, проживающих в различных частях ханства, подобная процедура оставалась уникальной возможностью лицезреть своего правителя, донести лично свою жалобу и получить содействие в ее разборе. Не случайно Н. Лыкошин характеризует данную процедуру в качестве «*церемонии своеобразного служения своему народу, которое создало хану репутацию доступного для каждого из своих подданных, входящих в его нужды, лично выслушивающего его жалобы и восстанавливающего справедливость личным решением и распоряжением*»<sup>29</sup>. В данном контексте, очевидно, проведение этой процедуры создавало иллюзорное представление у подданных об их общей идентичности с верховной властью.

<sup>28</sup> Об этом, в частности, свидетельствуют материалы «Коллекции ясаулбashi», см., напр.: ЦГА РУз, ф. И-125, оп.2, д. 489.

<sup>29</sup> ЦГА РУз, ф.И-2, оп. 1, д. 314. Л. 15–15 об.

Как показывают документы хивинской канцелярии, мотивами подобных обращений жителей к верховной власти могли быть и бапальное неудовлетворение индивидов ходом решения конфликта между властями на местах, вызванное недоверием к уровню компетентности или объективности последних, и апелляции по уже вынесенным последними решениям, и стремление добиться максимально возможной публичности своего дела, и желание восстановить общественный авторитет. Судя по документам, это право вынести конфликт для решения в Хиву могло оглашаться и в ходе общественного разбирательства конфликта на уровне представителей общественности, и в офисе правителя области, ответственного за разбирательство социальных конфликтов, и в «камере» казия, осуществляющего процедурные мероприятия. Таким образом, право (или даже прерогатива) каждого подданного ханства, условно от Дарган-Ата до Кунграда, иметь возможность перенести разрешение иска в Хиву в поисках высшей справедливости имело важное значение, ибо создавало в сознании жителей, проживающих в различных частях ханства, представление о принадлежности к общему правовому пространству. Одновременно с этим оно выполняло, очевидно, не менее важные функции парового клапана, сбивая (конечно, только в определенной степени) возраставший градус социального напряжения на местах и, что опять же немаловажно, давало центральной власти возможность на регулярной основе быть осведомленной о состоянии дел и происшествиях на местах и, соответственно, своевременно реагировать на них по мере необходимости.

У. АБДУРАСУЛОВ

### В ХИВУ В ПОИСКАХ СПРАВЕДЛИВОСТИ: ЦЕРЕМОНИЯ «АРЗДОД» В ХИВИНСКОМ ХАНСТВЕ

В статье на основе сведений хивинских авторов, российских должностных лиц и европейских путешественников освещен ряд процедурных вопросов, связанных с проведением церемонии *арздод* при дворе хивинских ханов, а также ее значение в придворной и политической жизни Хорезма в XIX — начале XX столетия.

**Ключевые слова:** Хивинское ханство, разбор прошений и жалоб граждан, *арздод*, ясаулбashi, придворный церемониал, административные и юридические практики.

У. АБДУРАСУЛОВ

### ХИВАГА АДОЛАТ ИЗЛАБ: ХИВА ХОНЛИГИДА «АРЗДОД» МАРОСИМИ

Мақолада хивалик муаллифлар, россиялик мансабдор шахслар ва европалик сайёҳларнинг Хива хонлари саройидаги арздод маросимининг ўтказилиши билан боғлиқ баъзи бир тартиботлар, шунингдек, арздоднинг XIX — XX аср бошлари мобайнида Хоразмнинг сарой ва сиёсий ҳаётидаги аҳамияти таҳдил қилинган.

U. ABDURASULOV

### SEEKING JUSTICE: ARZDOD CEREMONY IN THE KHANATE OF KHIVA

In this essay we attempt to illuminate the political importance of the *arzdod* ceremony by examining how local chroniclers and occasional observes — Russian military officials and European travelers — described the hearings of legal cases and the resolution of conflicts at the court of the Khivar rulers.

## Ҳ. ҲУШВАҚТОВ

### XX АСРНИНГ 50–60 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ҲУДУДЛАРИДА УЙ-ЖОЙ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистоннинг иқлим шароити, ер-сув, меҳнат ресурслари ҳамда асрлар давомида шаклланган деҳқончилик маданияти бу соҳани ҳалқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи тармоқларидан бирига айланнишига имкон берган. Ҳозирги пайтда ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш масаласи давлат сиёсати даражасида кўтарилиган. Шу туфайли Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни, қишлоқ аҳолиси ҳаётида содир бўлаётган жараёнларни ўрганиш, айни пайтда ўтмишда бу соҳада амалга оширилган ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳам таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. «Модомики, фаровон ҳаёт қурмоқчи эканмиз, — деб таъкидлайди Президент И.А. Каримов, — олдимизга ҳалқ турмушини яхшилаш мақсадини қўйган эканмиз, иқтисодий ислоҳотларни, аввало, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ ҳаёти соҳасидан бошлашимиз зарур»<sup>1</sup>.

Маълумки, советлар ҳукмронлиги даврида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига бир томонлама ёндашилиб, асосий эътибор республикани хомашё ишлаб чиқариш базасига айлантиришга қаратилган. Совет ҳокимиятининг мазкур сиёсатни амалга ошириш учун қабул қилган қарорлари, фармонларининг қай даражада ҳаётга татбиқ этилгани, инсон манфаатларига мослиги ва экологик муҳитга таъсири масалаларини таҳлил қилишга эҳтиёж ошмоқда. Айниқса, Ўзбекистонда пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун аҳолини мажбурий кўчириш ҳаракатлари, маҳаллий иқлим шароити ва аҳолининг менталитети ҳисобга олинмасдан шошмашошарлик билан қурилган тураржойлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги, тупроқнинг структураси атрофлича ўрганилмасдан олиб борилган ирригация

<sup>1</sup> Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 3-б.

ция ва мелиорация ишларининг оқибатлари шулар жумласидандир. Жиддий илмий асосланмасдан олиб борилган бундай ишлар бой табиий ресурсларга эга бўлган Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар ва экологик муаммоларни кучайтириди.

Республикада ижтимоий-иқтисодий вазият мураккаблигига қарамасдан, Совет давлати Ўзбекистонни пахта хомашёси етказиб берувчи асосий базага айлантиришда давом этди. Марказий ҳукуматнинг 1946 йил 2 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида» ги қароридан кейин Ўзбекистонда қўриқ ва бўз ерларни янада кўпроқ ўзлаштириб, қишлоқ хўжалиги айланмасига киритиш, янги ўзлаштирилган ерларда тузилаётган совхозларни ишчи кучи билан таъминлашга қаратилган ҳаракатлар кучайди. Шу мақсадда олиб борилган ишлар натижасида аҳоли зич яшайдиган вилоят ва туманлардан Марказий Фарфона, Мирзачўл, Қарши, Сурхон — Шеробод чўлларига аҳолининг бир қисмини кўчириш кўзда тутилган кўрсатмалар берилди. Ўзларининг туғилиб ўсган ерларини ташлаб келган аҳолига янги жойларда зарур шарт-шароитлар яратиб берилмади.

Ўзбекистонда қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши ва бу ҳудудларни ишчи кучи билан таъминлаш муаммоларини республика-нинг аҳоли зич яшайдиган вилоятларидан пахтачилик билан шуғулланмаган кўпроқ тоғли ҳудудларда яшаган аҳолини кўчириш орқали ҳал қилишга киришилди. Жумладан, собиқ иттифоқ Пахтачилик ишлари вазирлигининг 1950 йил январда қабул қилинган «ЎзССРнинг янги ўзлаштирилган ерларига аҳолини кўчириш ҳақида»<sup>2</sup> ги қарорида Ўзбекистон ССР да келажакда пахтачиликни ривожлантириш учун аҳолини янги ерларга кўчиришнинг жадаллаштирилиши алоҳида белгилаб қўйилди. Аҳолини кўчириш тадбирларининг асосий вазифалари ҳақидаги Низомда «янги ўзлаштирилаётган ҳудудларда колхоз ва совхозларни тузиш аҳолини кўчириш сиёсатининг асосий ва бош вазифаларидан биридир»<sup>3</sup>, деб таъкидланган.

Манбаларнинг далолат беришича, урушдан кейинги йилларда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий аҳволи жуда оғир бўлган. Айниқса, янги ўзлаштирилаётган ҳудудларда ташкил этилган жамоа ва давлат хўжаликларида уй-жой муаммоси ҳал қилинмаган. Бунинг устига маҳаллий шароит ҳисобга олинмасдан шошмашошарлик билан қурил-

<sup>2</sup> ЎзМДА. 2347-фонд, 30-рўйхат, 7-иш, 66-варап.

<sup>3</sup> ЎзР МДА Р-86-фонд, 1-рўйхат, 6116-иш, 2-варап.

ган уй-жойлар тезда яшаш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган. Масалан, 1947 йилда совет хўжаликлари бор-йўғи 43% уй-жой майдони билан таъминланган. Мавжудларининг ҳам ярми яшаш учун яроқсиз аҳволда бўлган. Айниқса, «совхозларга кўчиб келган ишчилар уй-жой етишмаслиги сабабли ертўлаларда ёки чайлаларда яшашга мажбур бўлган»<sup>4</sup>. Ҳаттоқи, йўлланма билан жўнатилган мутахассис кадрлар ҳам янги ўзлаштирилган ерларда тураржой масаласида катта қийинчиликларга дуч келган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, колхозларда яшаётган аҳолининг асосий қисми ночор ҳолда бўлса-да, ҳар ҳолда ўз бошпанасига эга бўлган.

Вазиятнинг мураккаблашиши ҳукуматни совхозлар секторида янги ерларни ўзлаштириш дастурини қайта кўриб чиқишига мажбур қилди. Қисқа муддатда янги қурилиш обьектлари очилди. Янги ўзлаштирилаётган минтақаларда маҳсус ихтисослашган ташкилотлар ва қурилиш бўлинмалари бўлган «Чўл-дашт қурилиш бошқармаси», «Ўрта Осиё қурилиши», «Мирзачўл сув қурилиши», «Янгиер сув қурилиши» ва шу каби ташкилотлар иш бошлади. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида «1956 йилнинг охиридаёқ «Чўл-дашт қурилиш бошқармаси» тизимиға кирувчи ташкилотлар томонидан 14 млн. куб. метр қазиш ишлари ва 40 минг кв. метр уй-жойлар барпо этилди»<sup>5</sup>. Совхозларда қурилиш ишлари бирмунча жадаллашиб, уй-жой қурилиши кўлами кенгайиши натижасида колхозлардан кўчиб келувчи-ларнинг сони кўпайган.

Кўчиб келган хўжаликларга қурилиш ишлари учун маълум миқдорда имтиёзлар ҳам берилган. Масалан, 1956 йилда янги ўзлаштирилган ерларга кўчиб келган аҳолига қурилиш ишлари учун ҳар бир уйга 10–14 минг сўм ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мирзачўл даштларини ўзлаштириш тўғрисида 1956 йил 6 августдаги қарорига мувофиқ, кўчиб келган аҳолининг уй-жой қурилиши учун кредит ажратиш кўзда тутилган. Бу олинган қарзни олти йил давомида тўлаш шарти билан берилган.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида «1956–1960 йиллар мобайнида янги ўзлаштирилган ерларга кўчиб келган аҳоли учун 26000 та уй қурилди ва фойдаланишга топширилди. Ажратилган қарзлар миқдори 60 млн. сўмга етказилди. 1960-йилларнинг охирларига келиб уй-жой қурилишининг умумий майдони 280300 кв. метрни ташкил

<sup>4</sup> ЎзМДА 837-фонд, 33-рўйхат, 5753-йигмажилд, 49-варақ.

<sup>5</sup> Мехнат ва турмуш. 1971. № 11. 2-б.

қилди»<sup>6</sup>. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, берилган кредитлар эвазига «шаҳарбоп уйлар» ёнида пахса ва гуваладан қурилган бинолар ҳам кўпайиб борди. Масалан, «1958–1960 йилларда аҳоли томонидан 1335 минг кв. метр ана шундай уй-жой қурилди»<sup>7</sup>. Туаржой масаласи билан боғлиқ муаммоларини, кўпинча, совхозларга кўчиб келган аҳолининг ўзлари мустақил равишда ҳал қилишга мажбур бўлдилар.

Бу соҳада амалга оширилган ишлар маълум даражада муаммони юмшатишга ўз таъсирини кўрсатган бўлса-да, тадқиқ қилинаётган даврда барпо этилган қурилиш обьектлари суръатларининг оширилиши одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб бермас эди. Масалан, янги ташкил топган совхозларда уй-жойлар билан таъминланганлик даражаси ўртача 65% нигина ташкил этган, холос. Кўчирилган аҳолини уй-жой билан таъминлаш режасининг бажарилмаганилиги қурилиш ишлари яхши ташкил этилмаганилиги билан изоҳланади. Шошмашошарлик билан сифатсиз қурилган «шаҳарбоп уйлар» ни қураётган қурувчиларнинг кўпчилиги умуман малакага эга бўлмаган ёки бошқа касб эгаларидан иборат бўлган. Қурилаётган уйларни аҳолига топшириш режалари ўз вақтида бажарилмаган, қурилиш сифати паст, таннархи эса баланд бўлганлиги туфайли, бу ерларга кўчиб келаётган аҳолининг янги тузилаётган совхозларда муқим яшаб қолиши камайиб кетган. Шундай ҳоллар ҳам юз берганки, янги уйлар аҳоли кўчиб кирмасданоқ яроқсиз аҳволга келиб қолган. Ўша вақтда Ўзбекистон КПМК биринчи котиби бўлган Ш. Рашидов: «Янги ўзлаштирилган худудларда аҳолига қурилган уйлар палапартиш қурилиб, битмасдан фойдаланишга топширилмоқда»<sup>8</sup>, — деб таъкидлаган эди.

Совхоз марказларида қурилган сартарошхона, ҳаммом ва меҳмонхоналар, майший корхоналар мутлақо талаб даражасида бўлмаган. «Янги ўзлаштирилган худудлардаги совхозларда аҳолига хизмат кўрсатадиган маданий ва майший хизмат ҳам талаб даражасига жавоб бермайди»<sup>9</sup>. Мавжуд камчиликларнинг бартараф этилмаганилиги, чўлда қурилиш обьектлари етишмаслиги муаммолари натижасида совхозларда кадрлар қўнимсизлиги янада ошган. Масалан, «Нишон районидаги билим юртини тамомлаган 48 нафар киши янги ташкил этил-

<sup>6</sup> Совет Ўзбекистони. 1961 йил 6 апрель.

<sup>7</sup> Жабборов Н. Янги ерларни суориши ва ўзлаштириш проблемалари. Тошкент, 1969. 105-б.

<sup>8</sup> Рашидов Ш. Меҳнаткашларнинг маданий-майший эҳтиёжларини тўла қондирайлик. Совет Ўзбекистони. 1964, 6 июнь.

<sup>9</sup> ЎзР МДА. 837-фонд, 3-рўйхат, 168-иш, 2-варақ.

ган совхозларга ишга жўнатилган. Бироқ уларнинг 46 нафари бир йил ўтмасдан ўз хоҳиши билан ишдан бўшаб кетган»<sup>10</sup>. Бу муаммолар бартараф қилинмагач, ишдан бўшаб кетган кишилар сони йилдан-йилга ошиб борган. Бунга чўлда яшаш шароитининг оғирлиги ҳамда ижтимоий-иктисодий ва майший инфраструктураларнинг заифлиги ҳам сабаб бўлган. «Кўчириб келтирилган аҳоли жойлаштирилган ерлардаги яшаш шароитининг ташкил қилинмаганлиги сабабли 1960 йилнинг охирига келиб 3 467 оила ёки кўчиб келган аҳолининг 19,2 фоизи қайтиб кетган»<sup>11</sup>. Оммавий ахборот воситаларида камчиликлар яширилган ва биринчи ўринда «муваффақиятлар ва ютуқлар» бўрттириб кўрсатилган. Оқибатда, уй-жой етишмаслиги ва мавжудларининг ҳам сифатсизлиги, шунингдек, таъминот хизматининг ташкил қилинмаганлигига қарамасдан, бу ҳудудларга мажбуран кўчириб келтирилаётганлар сони йилдан-йилга ошиб борган.

Уй-жойлар, асосан, темир-бетонлардан барпо этилган бўлиб, бунда уларнинг маҳаллий табиий-иклимий шароитга мослашган ёки мослашмаганлигини, қишлоқ аҳолисининг моддий ва маданий талабларига, анъаналарига, маданий тараққиёт даражасига тўғри келиш ёки келмаслиги илмий-амалий жиҳатдан ўрганилмаган. Шуни таъкидлаш керакки, республикада аҳолини бир туман ёки вилоятдан янги бошқа ҳудудга ташкилий йўл билан оммавий кўчириш ишлари олиб борилса-да, бу соҳада илмий ва амалий асосда аҳолининг турмуш тарзи, маоши, урф-одатлари, анъаналари ва миллий маданияти ҳисобга олинмаган.

Янги ўзлаштирилган ҳудудларда уй-жой билан етарли даражада таъминланмаганлиги, оқибатда, бир кишига мўлжалланган туаржой майдонининг ниҳоятда кам бўлишига олиб келган. Ҳолбуки, «ривожланган мамлакатларда уй-жой билан ўртacha таъминланганлик даражаси 20–30 кв. метрга, ўзбек қишлоқларида эса бу кўрсаткич қарийб 6 кв. метрга баробар эди. Хонадонларда яшаш зичлиги мутлақо қониқарсиз эди»<sup>12</sup>. Ҳар бир хонадонда яшовчилар сони 8–9 кишини ташкил қилас, бошқача айтганда, хонадонларда кишилар ниҳоятда зич яшар эди.

1950-йилларда ўзлаштириш бошланган Марказий Фарғонанинг кўриқ бўз ерларига Андижон вилоятининг туманларидан кўплаб

<sup>10</sup> ЎзР МДА. 837-фонд, 3-рўйхат, 168-иш, 9-варак.

<sup>11</sup> ЎзМДА 837-фонд, 33-рўйхат, 5753-йигмажилд, 49-варак.

<sup>12</sup> Турсунов С. Қишлоқ аҳолисининг уй-жой ва майший шароитларини яхшилаш муаммолари. Тошкент, 1994. 18-б.

оилалар ва тажрибали дәҳқонлар ҳам кўчириб келтирилган. Шу жараёнда бу ерда 198 та хўжалик қатнашди. Натижада Марказий Фарғонада 5 та совхоз, 24 та кўчириб келтирилган колхоз вужудга келди. 1964 йилдан бошлаб Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш давлат бюджетига ўтказилди. Бу ҳудудда янги ерларни ўзлаштириш учун қилинган харажат (1 гектарга 4–5 минг сўм ўрнини) 5–6 йилда қопланишини мутахассислар ишлаб чиққан эди. Лекин аҳоли яшайдиган пунктларни географик жойлаштиришда иқлим ва тупроқ хусусиятлари ҳисобга олинмасдан катта хатоликларга йўл қўйилган. Оқибатда янги массивлардаги аҳоли пунктлари ботқоқлашган, санитария ва гигиена талабларига жавоб бермаган. «Марказий Фарғона чўлларига кўчирилган аҳолига моддий ва маиший ёрдам кўрсатилмаяпти, инвентарлар билан яхши таъминланмаган. Кўчирилган колхоз ва совхозларга зарур шарт-шароит яратиб берилмаган. Марказий Фарғонани ишчи қучи билан таъминлаш аҳолининг қанчалик уй-жой билан таъминланганлик жиҳати билан боғлиқ. Лекин ҳозирги кунда аҳолини уй-жой билан таъминлаш умуман талабга жавоб бермайди»<sup>13</sup>.

Кўчирилган аҳоли бошдан кечирган қийинчилик барча ўзлаштирилаётган ҳудудларда деярли бир хил эди. Фарғона вилоятидан Мирзачўлга кўчиб борган Холикул ота шундай эслайди: «Биз кўчиб келган ер яйдоқ чўл эди. Бизлар кўчиб боргунча вилоят хўжаликларидан келган кўчма бригадалар дәҳқончилик қилиб қиши фаслида қайтиб кетишар экан. Бизларнинг яшашимиз учун уй-жойлар етишмаганлиги сабабли вақтинча яшаб туришимиз учун «кўчма вагонлар» самолёт ва вертолётлар орқали олиб келинди»<sup>14</sup>. Бундан кўриниб турибдики, бу ҳудудларга кўчирилган аҳолини уй-жой билан таъминлаш муаммоларидан ташқари ҳали бу ерларда одамларнинг қулай яшashi учун инфратузилма ва энг зарур бўлган йўлларнинг йўқлиги ҳам инобатта олинмаган.

1956 йилнинг ўзидаёқ Самарқанд ва Жиззах вилоятларидан Мирзачўлга 10 минг киши кўчириб келтирилган. Бу кўчириб келтирилган аҳолига 18 минг квадрат метр уй-жойни қуриб битказиш режалаштирилган эди. Шундан 1,7 минг квадрат метри қуриб битказилди, холос. «1956 йилнинг ўзида Мирзачўл учун «Особоголодностстрой» га министрлик 200 та йифма ёғоч уйлар етказиб бериши керак эди.

<sup>13</sup> Партия турмуши. 1968. № 8. 25-б.

<sup>14</sup> Дала материаллари. 2012.

Шундан 64 таси етказиб берилган. Улар йифма ёғоч уйлар сотиб олиш учун ажратилган маблагни бошқа нарсаларга сарфлаган»<sup>15</sup>.

Мирзачўлдаги аҳолига уй-жой қурилишининг бунчалик орқада қолишига СССР шаҳар ва қишлоқ қурилишлари министрлиги эътибор бермаган. «Министрлик хузуридаги «Особоголодностстрой» ташкилоти томонидан партия чақириғи билан кўчиб келаётган аҳолига палаткалар, ертўлалар, кўрпа-тўшак, кроват ва бошқа жиҳозлар етказиб берилмади. Мирзачўлга кўчиб келаётганларга пухта тайёргарлик кўрилмади»<sup>16</sup>.

Биз юқоридаги муаммоларни Қарши чўлининг янги ўзлаштирилган худудларида ҳам кўришимиз мумкин. Қарши чўлини биринчи навбатда ўзлаштириш тўғрисидаги 1970 йилда қабул қилинган қарорда чўлга кўчирилганлар ҳақида фамхўрлик қилиш кўрсатилган эди. Қарорда чўлга кўчирилаётганларга фамхўрлик ва имтиёзлар бериш юзасидан кўрсатмалар берилган. Лекин, шу билан бирга чўлда қурилиш обьектлари ва кўчиб бораётган ишчиларга уй-жой етишмаслиги сақланиб қолган ва бу ҳолат ҳам совхозларда кадрлар қўнимсизлигига сабабчи бўлган.

Кўчирилганлар учун уй-жой қурилиш режасининг бажарилмаганлиги қурилиш ишлари яхши ташкил этилмаганлиги билан изоҳланади. Уйлар қурилишида кунига 16,5 минг киши талаб қилинган бўлса, амалда эса ўрта ҳисобда 6,7 минг киши ишлаган<sup>17</sup>. Бу қўнимсизликни бартараф қилиш учун ташкилий харажатлардаги камчиликни бартараф қилиш ва тўғри сарфлаш, кўчиб келганларга имтиёзларни кенгайтириш, чўлга кўчиб борганларнинг ижтимоий-иктисодий аҳволига эътибор қаратиш керак эди. Бу камчиликларни чўлга одамларни кўчириб, чўлга хужум бошлангандан кейин қатор йиллар ўтгандан кейингина тузатишга киришилди.

Совхозлардаги қўнимсизликка зарур уй-жой фонди, маданий-маиший хизмат обьектлари йўқлиги, моддий рафбатлантириш ҳаққоний қўлланилмаётганлиги ҳам асосий сабаблардан бири бўлган. Натижада ишчилар сони камайиб даромад ҳам пасайиб кетган. Янги тузилаётган совхозларда бир йилнинг ўзида ишчиларнинг учдан бир қисми, баъзан эса бундан ҳам кўпроғи янгиланиб турган. Хўжаликларда яшаш ва ишлаш учун имкониятларнинг йўқлиги моддий қийинчиликни келтириб чиқарган.

<sup>15</sup> Совет Ўзбекистони. 1957 йил 26 ноябрь.

<sup>16</sup> Совет Ўзбекистони. 1957 йил 12 декабрь.

<sup>17</sup> Партия турмуши. 1970 й. № 8. 25-б.

Тўғри, янги ўзлаштирилган ҳудудларда ерларнинг шўрланиш ва ботқоқланиш жараёнларига қарши курашиш усуллари жорий этилди. Лекин ҳар доим ҳам қўлланилган усуллар самара бермаган. Натижада, бу ерларда кўл, кўлмак, ботқоқликлар ва ерларнинг шўрланиш даражаси ортиб борган. Кейинги даврда бу ишлар йўлга қўйилмади. Натижада безгак касаллиги ва экологик муҳит билан боғлиқ бўлган бошқа касалликлар пайдо бўлди. Демак, мелиоратив ишлар ҳам ижтимоий-иқтисодий ва экологик масалаларни ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Ўзбекистоннинг янги ўзлаштирилган ҳудудларида уй-жой билан таъминлашда мавжуд бўлган муаммо ва камчиликлар қўйидагилларда намоён бўлади: биринчидан, уй-жой ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий ва майший обьектлар қурилиш суръатлари паст ва янги ерларни мелиоратив жиҳатдан ўзлаштириш суръатларидан орқада қолган. Иккинчидан, қўриқ ва бўз ерларга кўчирилган аҳолининг уй-жой билан таъминланishi ўз вақтида расмийлаштирилмаган. Учинчидан, фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг сифатсизлиги таъминланмаган. Тўртинчидан, кўчиб бориладиган қишлоқлар транспорт юриши қийин бўлган ерларда жойлашган. Бешинчидан, кўчиб борувчиларга белгиланган имтиёзлар ва рабботлантириш маблағларининг берилмаслиги сингари ҳолларга йўл қўйилган. Олтинчидан, уй-жой қурилишини олиб боришга мўлжалланган лойиҳалар илмий асосланмаган. Унда миллий анъана ва хусусиятлар ҳисобга олинмаган.

Буларнинг барчаси шундан далолат беради, янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилган аҳоли хўжаликларини жойлаштириш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишлари ҳукумат томонидан бир меъерда олиб борилмаган. Шу сабабли бу ҳудудларда аҳоли хўжаликларининг орқага қайтиш жараёнлари доимо юқори бўлгани ҳолда, доимий яшаш тарзи паст кўрсаткичда бўлган. Совет ҳукуматининг маҳаллий халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётига таъсири, миллатлараро муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида минглаб аҳолининг сарсон-саргардонликка дучор этилиши, ўзга юртларга кўчирилиши аҳоли ижтимоий турмушининг оғирлашишига сабаб бўлган.

**X. ХУШВАҚТОВ**

**XX АСРНИНГ 50–60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ҲУДУДЛАРИДА УЙ-ЖОЙ МУАММОЛАРИ**

Мақолада 1950–60-йилларда Ўзбекистоннинг янги ўзлаштирилган ҳудудларига кўчирилган аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари акс этган.

*Калит сўзлар:* чўл, кўриқ, ўзлаштириш, кўчиш, қўнимсизлик, мелиорация, кадрлар, совхоз, колхоз, партия, массив, пункт, экология, особголодностепстрой, ертўла, чайла, иқклим шароити, муҳит.

**X. XUSHVAKTOV**

**ПРОБЛЕМЫ ЖИЛИЩНОГО УСТРОЙСТВА  
НА НОВЫХ ОСВОЕННЫХ ТЕРРИТОРИЯХ УЗБЕКИСТАНА  
В 50–60-е гг. XX ВЕКА**

В статье освещены сложные и противоречивые социально-экономические проблемы жилищного устройства с переселением населения на целинные и залежные земли в 1950–1960 гг. в Узбекистане.

**H XUSHVAKTOV**

**HABITATION PROBLEMS IN NEUVLE-DISCOVERED REGIONS  
IN UZBEKISTAN IN THE 1950–1960s**

The article gives an account of the migration of native inhabitants to virgin and long-fallow lands, the problems dealing with dwelling of the migrated people, complex and problematic socio-economic situations in the 1950–1960s in Uzbekistan.

*A. TOFAEVA*

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИДА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ (1950–1990 йй.)

Шаҳарлар тарихи ҳамиша нафақат тадқиқотчилар, балки кенг омма эътиборини жалб этиб келган долзарб мавзулардан биридир. Чунки, шаҳарлар тарихини ўрганиш муйян халқнинг давлатчилик тарихини тадқиқ этиш билан бир қаторда, ҳар бир инсонга ўзи туғилиб ўсган юрт ўтмишидан воқиф бўлиш имконини беради.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган шаҳарсозлик анъаналари ва шаҳар маданияти тарихан қисқа, аммо зиддиятли воқеликларга тўла бўлган совет даврида ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Шу билан бирга, совет тарихшунослигида шаҳарлар мавзуи қатор тадқиқотлар обьекти бўлиб хизмат қилди. Гарчи бу даврда яратилган адабиётлар ва тадқиқотларда шаҳарлар тарихи ва тараққиётининг турли жиҳатлари атрофлича ёритилган бўлса-да, аммо совет мафкураси таъсирида кўп ҳолларда шаҳарсозликда эришилган ютуқлар бўрттириб кўрсатилди, жиддий муаммолар эса, аксинча, эътибордан четда қолдирилди. Айниқса, совет даврида Ўзбекистон шаҳарларидағи ижтимоий ҳаёт ва бу борада учраган муаммолар илмий изланишларда ўзининг тўлиқ аксини топмади. Ваҳоланки, манбалар шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасида жиддий муаммолар мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Маълумки, ижтимоий инфратузилма кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг қай даражада ривожланганини мавжуд жамиятнинг тараққиётини белгилаб берувчи муҳим омиллардандир. Ижтимоий инфратузилма деганда, моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қиласидиган тармоқлар тизими тушунилади. Аниқроқ айтганда, ижтимоий инфратузилма уй-жой коммунал хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш, маориф, майший хизмат ва бошқа соҳаларни ўз ичига олади. Хусусан, шаҳарларнинг тараққиёт даражасини белгилашда ижтимоий инфратузилма ҳолати муҳим мезонлардан бири ҳисобланади.

Хозирги кунда Ўзбекистон шаҳарларида ижтимоий тараққиёт даражаси тобора юқори даражага эришиб, ижтимоий инфратузилма жадаллик билан равнақ топаёттганлиги мамлакатимизда амалга ошири-

лаётган чуқур ислоҳотлар натижасидир. Бироқ, манбалар яқин ўтган тарихимизда бу борада анча жиддий муаммолар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Мазкур ҳолатни юртимиз шаҳарсозлик тарихида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган Хоразм воҳаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Хоразм ўз майдони жиҳатидан республикадаги энг кичик вилоятлардан бири бўлиб, 1976 йилда унинг худуди 4,5 минг  $\text{км}^2$  дан иборат эди.

XX асрнинг иккинчи ярмида вилоят аҳолиси сони тез кўпайиб борган ва 1959 йилда 381 минг, 1976 йилда 666 минг кишидан иборат бўлса, 1989 йилга келиб, 1 016 минг кишига етган. Шу билан бирга, вилоятда аҳоли зичлиги йил сайин ошиб борган. Xусусан, 1  $\text{км}^2$  га тўғри келадиган аҳоли сони 1959 йилда 84,6 нафарни, 1976 йилда 148,0 нафарни ташкил этган<sup>1</sup>.

Бу даврда Хоразмда жами аҳоли таркибидаги шаҳар аҳолиси салмоғи ҳам йил сайин ошиб борган эди. Аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, 1939 йилда вилоят аҳолисининг 11% ни, 1959 йилда 17%ни шаҳар аҳолиси ташкил этган<sup>2</sup>. 1979 йилда Хоразм вилояти аҳолисининг 20% шаҳарларда яшаган бўлса, кейинги ўн йилликда бу борадаги вазият ўзгариб, 1989 йилда вилоят аҳолисининг 28% шаҳарлардан иборат эди<sup>3</sup>. Бу даврда республика бўйича шаҳар аҳолиси кўрсаткичлари бирмунча юқори бўлиб, 1940 йилда Ўзбекистон ССР жами аҳолисининг 24,5% ни, 1975 йилда 38,9% ни, 1989 йилда 41% ни шаҳар аҳолиси ташкил этган<sup>4</sup>.

Совет даврида Ўзбекистон шаҳарларига оид илк меъёрий ҳужжатлардан бири 1929 йил 2 февралда қабул қилинган «ЎзССР шаҳарлари ва шаҳар манзилгоҳларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор бўлиб, унда республикадаги жами шаҳарлар қаторига Янги Урганч (Урганч), Хива, Эски Бухоро (Бухоро), Когон, Каттакўрғон, Самарқанд, Жиззах, Ургут, Тошкент, Кўқон, Марғilon, Фарғона, Чуст, Андижон, Наманган, Термиз, Бекбути (Қарши), Шаҳрисабз кири-

<sup>1</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1975 г. Статистический ежегодник. Ташкент: Узбекистан, 1976. 9-б.; Население СССР по данным Всесоюзной переписи населения в 1989 г. М.: Финансы и статистика, 1990. 16-б.

<sup>2</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1965 г. Статистический ежегодник. Ташкент: Узбекистан, 1966. 10-б.

<sup>3</sup> Население СССР по данным Всесоюзной переписи населения в 1989 г. ... 16-б.

<sup>4</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1975 г. ... 7-б.; Население СССР по данным Всесоюзной переписи населения в 1989 г. ... 16-б.

тилган. Ушбу рўйхатда шаҳар типидаги посёлкалар сафидан Фиждувон, Кармана, Мирзачўл, Асака, Китоб ўрин олган. Қовунчи (Янгийўл), Урсатьевская (Ховос), Чимён эса ишчи посёлкалари деб аталган. Қолган барча аҳоли пунктлари, анъанавий мақомидан қатъи назар, қишлоқ манзилгоҳларига киритилган<sup>5</sup>.

Шу тариқа, қарийб XX асрнинг сўнгги чорагига қадар Хоразм вилоятида фақат 2 та — Хива ва Урганч шаҳарлари мавжуд эди. 1974 йилга келибгина Питнак темир йўл станцияси, Амударё бўйидаги Шарловуқ пристани ва Туябўғиз гидроузели қурувчилари шаҳарчаларининг бирлашуви натижасида Дружба (ҳозирги Питнак) шаҳри ташкил топган. 1981 йилда Шовот ва Хонқа, 1982 йилда Гурлан, 1983 йилда Қўшқўпир шаҳар категориясига киритилган<sup>6</sup>. 1984 йилда Ҳазорасп шаҳар мақомини олган.

Мустақиллик арафасига келиб, Хоразм вилоятида жами 8 та шаҳар мавжуд бўлиб, булар — Хива, Урганч, Дружба, Гурлан, Ҳазорасп, Хонқа, Шовот, Қўшқўпир шаҳарлари эди. Уларнинг 6 нафари республика ва вилоят бўйсунувидаги, қолган 2 таси эса район бўйсунувидаги шаҳарлар қаторига киритилган.

Бу даврда республикадаги аҳолиси 50 мингдан ортиқ бўлган шаҳарлар орасида Хоразм вилоятидан фақат Урганч шаҳри рўйхатга олинган бўлиб, шаҳар аҳолиси 1959 йилда 44 минг, 1976 йилда 91 минг нафарни ташкил этган<sup>7</sup>. 1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, Урганч шаҳрида 126 минг киши яшаган<sup>8</sup>. Вилоятдаги қолган барча шаҳарлар аҳолиси 50 мингдан кам бўлган кичик шаҳарлар категориясига кирган.

1988 йилга оид маълумотларга кўра, Хонқа шаҳрида 28 минг, Гурланда 24 мингдан ортиқ, Шовотда 20 мингдан ортиқ, Дружба шаҳрида 12 мингдан ортиқ, Ҳазораспда 11 600 нафар, Қўшқўпирда 10 500 нафар аҳоли истиқомат қилган<sup>9</sup>.

Хоразм вилояти шаҳарлари ҳақида сўз борар экан, аввало, қадимий Хива шаҳрига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. 1990 йилга оид маълумотларга кўра, шаҳар аҳолиси 39 минг нафардан иборат бўлиб, Хива ҳам кичик шаҳар ҳисобланган. Хива ўз номи билан аталувчи ту-

<sup>5</sup> Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1991. 28-б.

<sup>6</sup> Аҳмедов Э., Тешабаев М. Новые города Узбекистана. Ташкент: Узбекистан, 1984. 167-б.

<sup>7</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1975 г. ... 8—9-б.

<sup>8</sup> Население СССР по данным Всесоюзной переписи населения в 1989 г. ... 25-б.

<sup>9</sup> Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари ... 213—214-б.

ман маркази бўлиб, совет даврида бу ерда гилам комбинати, тикувчилик фабрикаси, керамика заводи каби ва бошқа қатор саноат корхоналари, турли ижтимоий муассасалар бунёд этилган. Табиийки, шаҳарни дунёга маълум ва машҳур қилган унинг тарихий обидалари бўлиб, Хива ўзининг яхлит меморий ансамбли жиҳатидан Марказий Осиё минтақасида ягона ҳисобланади. 1967 йилда илк бор Хиванинг Ичан қалъя (Шаҳристон) қисми тарихий-меморий ёдгорликлар қўриқхонаси деб эълон қилинганлиги шаҳарда халқаро туризмнинг ривожланишига таъсир кўрсатган. Жумладан, 1970 йилда Хивага ташриф буюрган жами сайёҳлар сони 238,8 минг кишидан иборат бўлса, 1987 йилга келиб уларнинг сони 1 млн. дан ошган. Ҳар йили шаҳарга ўрта ҳисобда 20 минг атрофида туристлар келган<sup>10</sup>. 1990 йилда Ичан қалъя музей-қўриқхонаси Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Аммо, ўрганилаётган даврда Хивада халқаро туризмни янада ривожлантириш салоҳияти тўлиқ ишга туширилмаган эди. Бунга биринчи галда шаҳарда керакли инфратузилма етарли даражада тараққий топмаганлиги ва хизмат кўрсатиш даражасининг пастлиги тўсқинлик қилган<sup>11</sup>. 1990 йил 28 сентябрда бўлиб ўтган халқ депутатлари Хоразм вилояти Советининг IV сессиясида бу ҳақда тўхталиб, «Маълумки, бизда ҳали туризм ва сервис жуда суст ривожланмоқда ёки деярли йўқ ҳисоби. Уни ривожлантириш учун туризмдан, айниқса, чет эл туризмидан келадиган даромаднинг маълум қисмини ўзимизда қолдириш тадбирларини кўришимиз лозим. Аммо бу масалаларни ҳал этишни юқори идоралар олдига қўйишда бу соҳага масъул ўртоқлар томонидан етарлича қатъиятлилик кўрсатилмаяпти. Чет мамлакатлар билан ҳамкорликда туристик корхоналар ташкил этиш бўйича қилаётган ҳаракатларимиз ҳам ижобий натижа бермаяпти», — деган фикр билдирилган эди<sup>12</sup>.

Хоразм вилояти аҳолиси сони тобора қўпайиб, унда шаҳар аҳолиси улушининг ошиб бориши ўз навбатида шаҳарларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш мақсадида муайян тадбирлар олиб борилишини тақозо қилган эди. Бу даврда шаҳарлар хўжалигини мустаҳкамлашга эътибор қаратилган. Жумладан, вилоят маркази Урганч шаҳрини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларига маблағ ажратиш тобора қўпайиб борган. Агар 1940 йилда шу мақсадда 270 минг сўм

<sup>10</sup> Джуаниязов Р. Хорезм. (Краткий очерк политической и социально-экономической истории. 1920–1990). Ургенч: Фан, 1991. 77-б.

<sup>11</sup> Абдуваҳидов М., Алиева М., Содиқов Т. Халқаро туризм бизнеси. Тошкент, 2013.

<sup>12</sup> Хоразм вилоят ҳокимлиги архиви. 1150-жамғарма, 7-рўйхат, 4-йифмажилд, 25-варақ.

сафланган бўлса, 1950 йилда 650 минг сўм, 1958 йилга келиб 1 577 минг сўм маблағ ажратилган<sup>13</sup>. Аммо, бу шаҳар хўжалигини ривожлантириш эҳтиёжлари учун етарли эмас эди.

Вилоят марказининг тобора қўпайиб бораётган аҳолисини уй-жой билан таъминлаш тураржой қурилишига алоҳида эътибор қаратиш заруриятини келтириб чиқарган. Шаҳардаги тураржой фонди 1959 йилда 0,6 млн. м<sup>2</sup> бўлса, 1975 йилда 1 млн. м<sup>2</sup> га етган<sup>14</sup>. Бу даврда корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан, жамоатчиликни жалб этган ҳолда, уй-жой қурилишини амалга ошириш кенг тарқалган. Бундан ташқари, хусусий уй-жой қурилиши учун кредитлар ажратиш ва қурилиш ашёларини кредитга бериш ишлари ҳам йўлга қўйилган.

Бироқ, бу даврга тегишли архив ҳужжатлари вилоятда уй-жой қурилиши соҳасида қатор муаммолар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Кўп ҳолларда йиллик режалар бажарилмай қолган. Масалаన, 1954 йилда уй-жой майдонларини фойдаланишга топшириш режаси 34% га, 1960 йилда 55% га бажарилган. Натижада шу йиллар ичida 6 минг км<sup>2</sup> уй-жой майдони аҳолига топширилмай қолган. 1961 йилда 96 та обьект қуриш мўлжалланган бўлса-да, йилнинг биринчи ярми тугаши арафасига келиб бор-йўғи 18 та обьектда қурилиш ишлари бошланган<sup>15</sup>. Худди шундай ҳолатлар кейинги йилларда ҳам тақрорланган. Манбаларда бунга ишнинг тўғри ташкил этилмаганлиги, ишчилар сонининг етишмаслиги, техника ва материаллар тақчиллиги сабаб бўлганлиги қайд этилган. Ўз навбатида, буларнинг барчаси уй-жой қурилишининг аҳоли ўсиш суръатларидан анча ортда қолиши ва ижтимоий муаммоларнинг янада қўпайишига олиб келган эди.

Маълумки, ўрганилаётган даврда шаҳарлар аҳолиси турли маиший қулайликлар билан таъминланган. Шаҳар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида водопровод тармоқларининг барпо этилиши шулар жумласидандир. 1954 йил 12 майда Урганчда водопровод қурилиши лойиҳаси тасдиқланган<sup>16</sup>. Маълумотларга кўра, 1961 йилга келиб Урганч шаҳри аҳолисининг 25% водопровод суви билан таъминланган. Бироқ, манбаларда бу борада ҳам муаммолар кўп бўлиб, шаҳар аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиши оғир аҳволда

<sup>13</sup> П е р л о в и ч И. Рост материального уровня жизни тружеников Ургенча (1945–1975) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент, 1979. № 4. 31–6.

<sup>14</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1975 г. ... 360-б.

<sup>15</sup> ЎзР МДА. Р-837 жамгарма, 39-рўйхат, 626-йигмажилд, 246-варак.

<sup>16</sup> ЎзР МДА. Р-837 жамгарма, 38-рўйхат, 7363-йигмажилд, 181-варак.

эканлиги қайд этилади. Кўп кўчаларда ичимлик суви манбалари жуда узоқда жойлашган бўлиб, баъзи ерларда аҳоли сувни 0,5 км масофадан ташиб келишга мажбур бўлган. Урганчнинг «эски шаҳар» қисмида сувни сотиш ҳоллари учраган. Шаҳар водопровод тармоғини 1961 йилда бор-йўғи 3 км га узайтириш мўлжалланган бўлиб, бунинг учун 32 минг сўм маблағ ажратилган<sup>17</sup>. Бу соҳада ҳам ишнинг суст боришига ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг тўғри ташкил этилмаганлиги, зарур материалларнинг етишмаслиги сабаб бўлганлиги манбаларда қайд этилади. Кейинги ўн йилликка келиб, бу борадаги аҳвол анча ўзгарган. 1975 йилда вилоят марказида 86,7 км узунликдаги водопровод қувурлари мавжуд бўлса-да, бу кўрсаткич аҳоли талаблари даражасида эмас эди.

Вилоятнинг қолган ҳудудларида водопровод қувурлари орқали аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш иши кейинроқ бошланган. Хива шаҳрида водопровод тармоғи 1959 йилдан қурила бошлаган. 1961 йилда бу ерда водопровод тармоқлари ўтказиш учун 55 минг рубль ажратилган<sup>18</sup>. Район марказларидан биринчи бўлиб Хонқада 1958 йилда водопровод тармоғи барпо этишга киришилган.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб республикамиз шаҳарларида саноат корхоналари сони, шу билан бирга шаҳар аҳолисининг кўпайиши натижасида саноат ва майший оқова сувлар ҳажми кескин кўпайиб борган. Бундай шароитда янги қурилаётган иншоотлар — саноат корхоналари ва тураржой биноларини олдиндан канализация ва тозаловчи қурилмалар билан таъминлаш харажатларнинг арzonлашувига, шаҳарларнинг санитария аҳволини яхшилашга сабаб бўлиши эътиборга олиниб, канализация тармоқларини бунёд этишга катта аҳамият қаратилган<sup>19</sup>. Урганчда 1963 йилда канализация қурилиши бошланган бўлсада, ишлар жуда секин борган. Манбаларда шаҳардаги кўпгина саноат корхоналарида тозаловчи қурилмалар ишга туширилмаганлиги, натижада сув ҳавзалари ифлосланиши ҳолатлари учраганлиги ҳақида маълумотлар берилади<sup>20</sup>. 1975 йилга келиб Урганч шаҳрида 20 км узунликдаги канализация тармоқлари мавжуд эди<sup>21</sup>.

Бу даврда Хоразм вилояти шаҳарларида ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришда қатор ишлар амалга оширилган бўлса-да, манбалар соҳада камчиликлар кўп бўлганлигини

<sup>17</sup> ЎзР МДА. Р-837-жамғарма, 39-рўйхат, 626-йигмажилд, 264-варак.

<sup>18</sup> ЎзР МДА. Р-837-жамғарма, 39-рўйхат, 626-йигмажилд, 264-варак.

<sup>19</sup> ЎзР МДА. Р-837-жамғарма, 39-рўйхат, 420-йигмажилд, 4-варак.

<sup>20</sup> ЎзР МДА. Р-837-жамғарма, 41-рўйхат, 754-йигмажилд, 19–21-вараклар.

<sup>21</sup> П е р л о в и ч И. Рост материального уровня жизни тружеников Ургенча ... 32-б.

кўрсатади. Жумладан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида жиддий муаммолар учраган.

Манбада кўрсатилишича, 1960 йилда беморлар учун ўринларни кўпайтириш бўйича йиллик режа бажарилиб, 955 та янги ўрин жорий қилинган. Бироқ, вилоятда врачлар сони кам бўлиб, 593 та врач ўрнига 265 та врач иш олиб борган. Шовот, Ҳазорасп, Қўшкўпир, Янгиариқ, Гурланда окулист, Шовот, Қўшкўпир, Янгиариқда рентгенолог сингари мутахассислар умуман фаолият кўрсатмаган. Вилоят бўйича акушер-гинекологлар сони кам бўлиб, вилоят бўйича бирорта ҳам физиотерапевт йўқ эди<sup>22</sup>.

Аммо, статистик маълумотлар 1980-йилларга келиб Хоразмда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси анча ошганини кўрсатади. Жумладан, жами тиббий муассасалар сони кўпайиб, 1980 йилда 150 та, 1986 йилда 210 та, 1990 йилда 230 тани ташкил этган. Шу билан бирга, врачлар ва тиббий ходимлар сони ҳам ошиб борган<sup>23</sup>. Аммо, тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли сонининг ошиб боришидан анча орқада қолган. 1989 йилга оид маълумотларда кўрсатилишича, шаҳар тиббий муассасаларида тор мутахассислар сони етарли эмас эди<sup>24</sup>. Шунингдек, тиббий хизмат кўрсатишнинг етарли даражада эмаслиги туфайли вилоятда ва унинг марказида болалар ўлими бўйича юқори кўрсаткичлар қайд этилган<sup>25</sup>.

Маълумки, кўриб ўтилаётган даврда ишчи-хизматчилар ва мутахассислар қўнимсизлигига барҳам бериш учун улар тураржой билан таъминланганлар. Аммо, вилоятда врачларнинг уй-жой билан таъминланиши талабга жавоб бермаган. Хоразм бўйича жами 43 та врач, жумладан, Урганч шаҳрида 17 та, Хивада 10 та врач тураржой билан таъминланмаган<sup>26</sup>.

Ўрганилаётган даврда Хоразм вилояти шаҳарларида майший хизмат муассасалари сони ошиб борган. 1960 йилда Хоразм вилоятидаги жами 311 та аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхонасининг 215 таси, 1985 йилда 1114 та муассасадан 427 таси шаҳарларда жойлашган<sup>27</sup>. Аммо, бу соҳада ҳам турли даврларда аҳвол бир хилда бўлмаган.

<sup>22</sup> ЎзР МДА. Р-837-жамгарма, 39-рўйхат, 626-йигмажилд, 267-варап.

<sup>23</sup> Джуманиязов Р. Хорезм (Краткий очерк политической и социально-экономической истории. 1920–1990) ... 81-б.

<sup>24</sup> Хоразм вилоят Давлат архиви. 54-жамгарма, 1-рўйхат, 780-йигмажилд, 127-варап.

<sup>25</sup> Хоразм вилоят Давлат архиви. 54-жамгарма, 1-рўйхат, 778-йигмажилд, 99-варап.

<sup>26</sup> ЎзР МДА. Р-837-жамгарма, 39-рўйхат, 626-йигмажилд, 268-варап.

<sup>27</sup> Джуманиязов Р. Хорезм (Краткий очерк политической и социально-экономической истории. 1920–1990) ... 79-б.

Манбаларда 1960-йилларда аҳолига майший хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича Хоразм вилояти республика миқёсида охирги ўринлардан бирини эгаллаганлиги қайд этилади. 1960 йилда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида киши бошига республика бўйича ўртача кўрсаткич 4 сўм 79 тийинни ташкил қилган бўлса, вилоятда киши бошига 1 сўм 85 тийин маблағ сарфланган<sup>28</sup>.

Умумий овқатланиш муассасалари фаолияти ҳақида сўз борар экан, архив ҳужжатларида Хоразм вилояти шаҳарлари ва район марказларида соҳада катта камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидланиб, уларнинг фаолияти замон талабларидан анча ортда қолганлиги танқид остига олинган. Урганчда овқатланиш муассасалари сони кам эканлиги, улардаги хизмат даражаси қониқарсиз эканлиги, санитария талаблари қўпол равишда бузилганлиги ҳақидаги маълумотлар санитария-эпидемиология маркази ҳужжатларида қайд этилган<sup>29</sup>.

Хоразмда майший хизмат кўрсатишнинг яна бир соҳаси – ҳамомлар фаолиятида ҳам муаммолар кўп бўлиб, аҳолиси 49 минг кишидан иборат Урганч шаҳрида ўрганилаётган даврда 50 ўринли ягона умумий ҳаммом бор эди, холос<sup>30</sup>. 1961 йил Урганч шаҳрида янги ҳаммом қурилиши режалаштирилган бўлса-да, йилнинг иккинчи ярмига келиб ҳам бу ишга киришилмаган. 1967 йилга келибгина, шаҳар аҳолисига 3 та ҳаммом хизмат кўрсата бошлаган<sup>31</sup>.

Кўриб ўтилаётган даврда аҳолига майший хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида ҳам жиддий муаммолар учраган. 1960-йилларда бутун вилоят бўйича фақат битта кимёвий тозалаш корхонаси мавжуд эди. Хива шаҳри ва район марказларида бирорта ҳам мебель таъмирлаш устахоналари бўлмай, вилоят бўйича фақат Урганчда иккита устахона фаолият кўрсатган.

Умуман, XX асрнинг иккинчи ярмида республикада ижтимоий соҳа, яъни аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси Иккинчи жаҳон урушидан олдинги даражага нисбатан анча ўсган бўлса-да, аҳоли талаблари даражасидан анча орқада эди. Бу соҳада ҳам Хоразм вилоятида аҳвол оғир бўлиб, 1990 йилга оид маълумотларга кўра, майший ва уй-жой коммунал хизмати соҳаларида ишлаётганлар сони халқ хўжалигига иш билан банд бўлганларнинг 4% ни ташкил этган, холос. Шу йил-

<sup>28</sup> ЎзР МДА. Р-837-жамғарма, 39-рўйхат, 626-йифмажилд, 263-варап.

<sup>29</sup> ЎзР МДА. Р-837-жамғарма, 39-рўйхат, 626-йифмажилд, 246-варапнинг орқаси.

<sup>30</sup> ЎзР МДА. Р-837-жамғарма, 39-рўйхат, 626-йифмажилд, 264-варап.

<sup>31</sup> П ерлович И. Рост материального уровня жизни тружеников Ургенча ... 33-б.

ларда вилоятда ҳар бир кишига пуллик хизмат кўрсатиш республика даражасининг 76, 6% га тўғри келган<sup>32</sup>. 1987 йилга оид маълумотларга кўра, Ўзбекистонда шаҳар аҳолиси жон бошига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми 36,9 сўмни ташкил этган эди<sup>33</sup>.

Ижтимоий инфратузилмани ташкил этишдаги муаммоларни мактабгача тарбия муассасалари мисолида янада яққол кўриш мумкин. Манбаларда бу соҳада вилоят республикада охирги ўринлардан бирини эгаллаганлиги қайд этилади. Урганч шаҳрида боғча ва яслиларга жойлаштириш учун навбатда турган болалар сони йил сайин ошиб бориб, 1987 йилда 2 минг, 1988 йилда 2,5 минг, 1989 йилда 3,5 минг нафарни ташкил этган. Бунинг олдини олиш чораларидан бири сифатида хона-донларда боғча-яслилар очишга рухсат берилган бўлса-да, аммо бу масалани тўла ҳал этишга ёрдам бера олмаган<sup>34</sup>. Бу ҳолат совет давлати режалаштириш сиёсатининг тўғри ташкил этилмаганлиги ва бошқа омиллар таъсирида жамиятдаги ижтимоий муаммолар ўз вақтида ечи мини топмай, аксинча, тобора чуқурлашиб боргандигини кўрсатади.

Маълумотларга кўра, бу даврда шаҳарларнинг ташқи кўринишига салбий таъсир қилувчи ҳолатлар ҳам учраган. Урганч шаҳри ва район марказларида кўчалар санитария талабларига жавоб бермаган. Кўчалар ва аҳоли тураржойларида чиқинди шоҳобчалари кўп ва тартибсиз жойлашган бўлиб, тозалаш ишлари мунтазам равишда олиб борилмаган. Урганч шаҳрининг марказий қисмида ва бозори атрофидаги кўримсиз кўпгина оёқ кийим таъмирловчи устахоналар шаҳар кўркига салбий таъсир кўрсатганилиги танқид остига олинган<sup>35</sup>.

Кўриб ўтилган маълумотлар шундан далолат берадики, XX асрнинг иккинчи ярмида Хоразм вилоятида урбанизация кўрсаткичлари республика миқёсидагидан анча орқада бўлиб, бу ерда шаҳар аҳолиси салмоғи узоқ вақтгача фақат икки шаҳар — Урганч ва Хива шаҳарлари ҳисобига ошиб борган. 70-йилларнинг ўрталарига келибгина қатор аҳоли пунктларининг шаҳар ва шаҳар посёлкалари категориясига ўтказилиши натижасида Хоразмда шаҳарлар сони ошган. Шу билан бирга, жами аҳоли таркибидаги шаҳар аҳолиси кўпайиб борган.

Вилоят шаҳарларида ижтимоий инфратузилма тармоқлари кенгайиб, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми тобора ошиб борган бўлса-да,

<sup>32</sup> Хоразм вилоят ҳокимлиги архиви. 1150-жамғарма, 7-рўйхат, 4-йифмажилд, 25-варақ.

<sup>33</sup> Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари ... 217-б.

<sup>34</sup> Хоразм вилоят Давлат архиви. 54-жамғарма, 1-рўйхат, 804-йифмажилд, 139-варақ.

<sup>35</sup> ЎзР МДА. Р-837-жамғарма, 39-рўйхат, 626-йифмажилд, 263—265-варақлар.

аммо бу борада жиддий камчиликлар учраган. Жумладан, аҳолига хизмат кўрсатиш – ноишлаб чиқариш соҳасидаги таклиф аҳоли сонининг ошиб бориши ва унинг талабларидан сезиларли даражада орқада олган. Бу ҳолат ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида намоён бўлган. Гарчи бу ҳолатни бартараф этишга уринишлар амалга оширилган бўлса-да, аммо бошқарув тизимидағи камчиликлар, совет режали иқтисодиёт тизимининг нуқсонлари, қарор ва ижронинг мувофиқ эмаслиги, шунингдек, совет тизими иқтисодий-ижтимоий таназзули билан боғлиқ бошқа омиллар муаммоларнинг янада чукурлашувига олиб келган эди.

*A. TOFAEVA*

### **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИДА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ (1950–1990 йй.)**

Мақолада 1950–1990 йилларда Хоразм вилояти шаҳарлари, шаҳар аҳолиси сони ва уларнинг ижтимоий тараққиётига оид масалалар тадқиқ этилган. Шунингдек, архив ҳужжатлари асосида вилоят шаҳарлари ижтимоий инфратузилмаси билан боғлиқ муаммолар таҳтил қилинган.

*Калит сўзлар:* Хоразм вилояти, инфратузилма, шаҳарлар тарихи, 1950–1990 йиллар, урбанизация, аҳоли, ижтимоий ҳаёт, совет даври, аҳоли рўйхати, Хива, Урганч, Иchan қалъя, водопровод, майший хизмат.

*A. TOGAEVA*

### **ПОЛОЖЕНИЕ И ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ ГОРОДОВ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ (1950–1990 гг.)**

В статье освещены вопросы, касающиеся численности населения и социальной инфраструктуры городов Хорезмской области в 1950–1990 гг. На основе архивных документов проанализированы проблемы, связанные с социальной инфраструктурой городов.

*A. TOGHAEVA*

### **THE CONDITIONS AND PROBLEMS OF SOCIAL INFRASTRUCTURE IN THE CITIES OF KHOREZM (1950–1990)**

The article illustrates the cities of Khorezm region in the 1950–1990s, the number of their population and problems about their social development. Moreover, it discusses the problems concerning the social infrastructure of the region's cities basing on archival documents.

## ЎЗБЕКИСТОН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА

**X. БАБАДЖАНОВ**

### ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан сўнг фашистлар Германияси томонидан ўта муҳим аҳамиятга эга 1543 минг км<sup>2</sup> территория, яъни собиқ Иттифоқнинг 7% худуди оккупация қилинди<sup>1</sup>. Сақлаб қолинган корхоналар мамлакат Шарқига қўчирилди. Саноат корхоналари нинг хавфсиз, шарқий худудларга қўчирилиши бирданига ижобий натижа бера олмасди. Аксинча, минглаб завод ва фабрикаларда ишлаб чиқаришнинг тўхташи иқтисодиётга юз миллионлаб зарар етказди. Агар эвакуациянинг бир-бирига боғлиқ уч босқичини амалга оширишга тўрт-беш ойлар кетишини ҳисобга олсан, таҳминан 1941 йил августдан 1942 йил баҳорларигача Совет Иттифоқи иқтисодиёти инқирозли ҳолатга тушиб, Кизил Армия талабларининг қўпгина қисми қондирилмай қолди. Ушбу юзага келган иқтисодий фожеа, фронтларга ўта салбий таъсир кўрсатди. 1941 йил нояброда 1941 йил июнь ойига нисбатан саноат ишлаб чиқариши 2,1 баробар камайди<sup>2</sup>.

Ҳарбий шароит бутун мамлакат ҳалқ ҳўжалигини фронт эҳтиёжларини таъминлаш учун қайта қуришни талаб этди. Моддий, молиявий ва меҳнат имкониятларини уруш манфаатларига бўйсундириш, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин ошириш каби масалалар асосий ва кечиктириб бўлмайдиган ҳамда жуда қисқа муддатда бажарилиши зарур вазифалар эди. 1941 йил 22 июнда СССР Олий Кенгаш Президиуми томонидан қабул қилинган «Ҳарбий ҳолат тўғрисида» ги қарор ва 1941 йил 29 июндаги ВКП(б) МК ва СССР ХКК директиваларида душман ҳужумига қарши чора-тадбирлар кўрсатилган эди. Шунингдек, булардан бошқа қабул қилинган қарор ва директивалар асосида мамлакат ҳаётини ҳарбий шароитдан келиб чиқиб қайта ташкил этиш бошланди. Мамлакат ҳаётини қайта қуриш бутун иқтисодиётни фавқулодда сафарбар қилишни талаб этарди.

<sup>1</sup> Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг. Статистический сборник. М.: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР, 1990. 20-б.

<sup>2</sup> Вещиков П.И. Экономика СССР испытание выдержала // Военно-исторический журнал. Москва, 2006. № 1. 14-б.

Шу йўналишдаги ишларни ташкил этишга қаратилган дастлабки амалий ҳаракат 1941 йил 30 июнда қабул қилинган «1941 йил З-чорагида халқ хўжалигини умумий сафарбар этиш режаси»да намоён бўлди. Режага асосан тинч даврга нисбатан қурол-яроғ ишлаб чиқарилиши 26% оширилди<sup>3</sup>. Темир йўлларда ҳарбий юклар, кўмир, ёқилғи, металлар ва галладан ташқари бошқа юкларнинг ташилиш ҳажми камайтирилди. Режада бошқа чора-тадбирлар ҳам белгиланган бўлсада, кейинги воқеалар ривожи уларнинг етарли эмаслигини кўрсатди.

Ҳарбий саноатни жонлантиришда собиқ Иттифоқнинг шарқий худудларига, жумладан, Ўзбекистонга катта эътибор берилди. Ўзбекистонда қисқа вақт ичида саноат корхоналарини ҳарбий изга мослаб қайта қуриш ва мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўтказиш лозим эди. Чегаралангандан вақт ичида бундай катта кўламдаги ишни амалга ошириш катта куч ва ташаббусни талаб этди.

Кадрларнинг кескин суратда танқислиги, саноат хомашёси, ёқилғи, дастгоҳлар, асбоблар ниҳоятда этишмаслигига қарамай, 1941 йил декабрга келибоқ, Тошкентдаги 63 та корхона ва республикадаги бошқа 230 та корхона мудофаа маҳсулотларини бера бошлади<sup>4</sup>. «Тошқишлоқмаш» заводи урушнинг биринчи ҳафталаридан бошлаб, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. 1941 йилнинг охирига келиб завод ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини 240% га бажарди<sup>5</sup>. Фронт эҳтиёжлари биринчи ўринга қўйилган ҳолда, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга бошқа корхоналардан кадрлар ва техника жалб қилинган.

Тошкент паровоз-ремонт заводи ҳам турли ҳарбий техникаларни ишлаб чиқаришга ўтди. Завод, асосан, ҳарбий-санитар поездлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. 1942 йил октяброда заводда тайёрланган «Ўзбекистон» номли бронепоезд Курск жанги, Киев, Житомир ва Польшанинг озод этилишида иштирок этиб, ғалабани Берлиндан 60 км узоқликда жойлашган Бранденбург шахрида кутиб олди<sup>6</sup>.

<sup>3</sup> В о з н е с е н с к и й Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. М.: Госполитиздат, 1948. 37-б.

<sup>4</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. 440-б.

<sup>5</sup> Голованов А.А., Сайдов И.М. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Самарканд: СамГУ, 2006. Ч. II. 6-б.

<sup>6</sup> Нуруллин Р. Узбекистан — арсенал фронта в годы войны // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). 1996. 193-б.

1941 йилда Москва вилояти Химки шаҳридан 84-сонли авиация заводи Тошкентга кўчирилиб, унда уруш йилларида ПС-84 русумидаги самолёт (1942 йил сентябрдан номи ЛИ-2 та ўзгартирилган) ишлаб чиқарилган. ПС-84 самолётининг лойиҳаси АҚШ нинг Дуглас компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, 1938 йилдан собық Иттифоқда лицензия асосида ишлаб чиқарилган. Ушбу русумдаги самолётлар фуқаро авиацияси учун мўлжалланган эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент авиация заводида ишлаб чиқарилган ЛИ-2 самолётлари ПС-84 нинг ҳарбий модификацияси бўлиб, улардан ҳарбий юклар, десант ташишда ва бомбардимончи самолёт сифатида фойдаланилган<sup>7</sup>.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистоннинг кўплаб бошқа корхоналари ҳам ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Қуйидаги жадвал<sup>8</sup>да Ўзбекистондаги асосий ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилган корхоналар ҳақида маълумот келтирилади.

#### **Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистондаги асосий ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилган корхоналар**

<b>Завод ва корхона номи</b>	<b>Ишлаб чиқарган ҳарбий маҳсулот тури</b>
Тошкент авиация заводи	ЛИ-2 русумидаги ҳарбий-транспорт самолётлари
“Тошқишлоқмаш” заводи	ҳарбий техника учун эҳтиёт қисм
Тошкент паровоз-ремонт заводи	ҳарбий-санитар ва зирҳли поездлар
Самарқанддаги “Колхозник” номли завод	гранаталар, снарядлар учун гильзалар, солдат қозонлари ва армия учун автомашиналар ремонти ташкил этилган
Охунбобоев номидаги чарм заводи	армия эҳтиёжлари учун тери маҳсулотлари
“Хужум” фабрикаси	йирик калибрли тўплар учун порох картузлари
“Қуёш” промартели	мина ва қўл гранаталари
Каттақўргон ёғ-мой заводи механика устахонаси	миналар учун корпус ва стабилизаторлар

<sup>7</sup> Шавров В.Б. История конструкций самолетов в СССР 1938–1950 гг. 2-е изд. М: Машиностроение, 1988. 136-б.

<sup>8</sup> Жадвал қуйидаги адабиёт бўйича тузилди: Голованов А.А., Сайдов И.М. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Самарканд: СамГУ, 2006. Ч. II. 6–7-б.

Баъзи ҳолларда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшимча корпус ёки цех қуришга тўғри келарди. Масалан, «Колхозник» номли заводда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшимча иккита цех қуришга тўғри келди. Режалар муддати тифиз белгиланганлиги учун ишчилар кунига 17 соатдан ишлашга мажбур бўлдилар. Завод раҳбариятининг ташаббуси ва ишчилар оғир меҳнати туфайли 1941 йил ноябрдан завод қурол-яроғ ишлаб чиқара бошлади<sup>9</sup>.

Ҳарбий корхоналарда 13–14 ёшли қизлар ҳам 12 соатлаб оғир ишларда ишлашга мажбур эдилар. 1928 йилда туғилган ва уруш йилларида Тошкентга эвакуация қилинган «Красный Аксай» заводида ишланган Клавдия Иосифовна Хруш шундай эслайди: «Заводга борганимда кадрлар бўлими ойнасига бўйим етмай, оёғим тагига тош қўйиб гаплашганман. Ишга олишларини илтимос қилсан, замбил кўтаришга ишга олишган. Мина, бомба тайёрлашда шишка деган модда бўлади. Уларнинг яроқсиз бўлганларини оёқ билан эзив, кейин ташир эдик. Жуда оғир бўларди. Кўрганлар шунаقا оғир нарсаларни кўтарсанг, туголмай қоласан дейишарди. Худога шукур, уч ўғил кўрдим»<sup>10</sup>.

Ишчиларда етарли малака ва техниканинг етишмаслиги сабабли ҳамма корхоналар ҳам ҳарбий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни эплай олмаганлар. Масалан, СССР Ер ишлари Халқ Комиссарлигининг ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган 30 корхонасидан 21 таси умуман керакли асбоб-ускунага эга эмасди<sup>11</sup>. Ўзбекистонда ҳам айрим корхоналар ишлаб чиқаришни муваффақиятли ҳарбий изга ўтказа олмадилар. Баъзи корхоналар ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмадилар. Режалар нотўғри тузилганлиги ва техникадан нотўғри фойдаланиш туфайли Марказга қарашли Халқ Комиссарликлари қарамоғидаги корхоналар ҳарбий ишлаб чиқариш режаларини июлда — 66,9%, августда — 31,8%, сентябрда 50% га бажардилар<sup>12</sup>.

Режаларнинг бажарилмаслигига ишчи кучининг, айниқса, малакали кадрлар, ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги таъсир ўтказди. Фронтга кетганларнинг ўрнини эгаллаган малакасиз

<sup>9</sup> Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. 1. Ташкент: Фан, 1982. 110-б.

<sup>10</sup> Устная история в Узбекистане: теория и практика. Сборник материалов конференции. Ташкент, 2011. Вып. I. 174-б.

<sup>11</sup> Верт Александр. Россия в войне 1941–1945. Авторизованный перевод с англ. М.: Воениздат, 1967. 149-б.

<sup>12</sup> Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. 1. ... 110-б.

ишчиларга янги техникани эгаллаш учун вақт зарур эди. Ишчи-ларнинг малакаси ошиши, корхоналар техника ва технологиялари-нинг ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашиши билан вазият яхшидана бошлади. 1941 йил октябринда республика корхона-ларидаги ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 51% ҳарбий буюртмалар асосида ишлаб чиқарилди<sup>13</sup>. 1941 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳ-рида фаолият юритаётган 137 та корхонадан 63 таси тўлиқ ёки қисман ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтдилар<sup>14</sup>.

Турли қийинчиликларга қарамай, биринчи навбатда ўзбекистон-лик ишчилар ва кўчирилган мутахассислар меҳнати туфайли корхона-лар тезликда жойлаштирилиб, маҳсулот бера бошлади. 1942 йил янва-рида Москвадан кўчирилган Чкалов авиация заводи биринчи маҳсу-лотини берди. Карборунд заводи эса режага нисбатан 5–6 марта тезроқ ишга туширилди<sup>15</sup>. Тошкентта Украина-нинг Запорожъе вилоя-тидан эвакуация қилинган карборунд заводида ишлаб чиқариш қувват-лари тикланибгина қолмасдан, кўшимча 2 та цех барпо этилди. Запо-рожъеда 30 ойда қурилган завод, Тошкентда 5 ойда ишга туширилди<sup>16</sup>.

Курол-яроғларни ишлаб чиқаришда техник янгиликлар, ишлаб чиқариш жараёнларини ихчамлаштиришга ҳам катта эътибор берилди. Ихтирочилик ва ишлаб чиқаришда фойда келтирадиган янги усулларни қўллаш ҳар томонлама қўллаб-кувватланди. Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши, таннарх ва ишлаб чиқаришга кетган вақт ка-майиши жараёни кузатилди. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши йилла-рида Тошкентдаги 84-сонли заводда ишлаб чиқарилган ЛИ-2 самолёти-нинг таннархи 1941 йилда 650 минг рублни, 1942 йилда 510 минг рублни ва 1943 йилда эса 424 минг рублни ташкил этди<sup>17</sup>. Ҳарбий ишлаб чиқаришда конвейер, штамповка ва бошқа техник усулларнинг қўлланилиши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширди. Энг асосийси, маблаг, вақт ва хомашё тежалди. 1941 йилдаги иккита ЛИ-2 пулига 1943 йилда шундай самолётларнинг учтасини яратиш мумкин эди.

<sup>13</sup> Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. 1. ... 112-б.

<sup>14</sup> Голованов А.А. Сайдов И.М. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Самарканд: СамГУ, 2006. Ч. II. 6-б.

<sup>15</sup> Вклад трудящихся Узбекистана в победу Великой Отечественной войны. Ташкент: Фан, 1975. 61-б.

<sup>16</sup> Зинич М.С. Трудовой подвиг рабочего класса в 1941–1945 гг. (по материалам отраслей машиностроения). М.: Наука, 1984. Б. 42.

<sup>17</sup> Тыл Советских Вооруженных Сил в Великой Отечественной войне. 1941–1945 гг. М.: Воениздат, 1977. 350-б.

Фронтни кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашда Ўзбекистон енгил саноати ҳам етарли ҳисса қўшди. Уруш бошланиши билан енгил саноатнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳарбий буюртмаларни бажаришга қаратилди. Чарм моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар авиация, автомобиль-трактор, танк ва бошқа ҳарбий йўналишдаги соҳаларни маҳсулотлар билан таъминлади. Масалан, 1941 йилда Тошкент эгар-жабдуқ фабрикаси фронт учун жами 504 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 1942 йилда 4885 минг сўмлик ёки 9 баравар кўп шундай маҳсулот чиқарди<sup>18</sup>.

Уруш йилларида Ўзбекистонга енгил саноат учун келтириладиган зарур маҳсулотлар (тугмалар, илгаклар, замоклар ва ҳоказолар) билан таъминлаш тўхтаб қолди. Шунингдек, уруш бошланиши билан тармоққа ажратиладиган капитал маблағлар камайди. Масалан, 1942 йилда давлат томонидан тармоққа ажратиладиган маблағ режаси Ўзбекистон текстиль саноати халқ комиссарлиги бўйича 21,5% га, Ўзбекистон енгил саноати халқ комиссарлиги бўйича эса 5,8% га бажарилди<sup>19</sup>.

Юқорида кўрсатилган қийинчиликларни инобатга олинмаган ҳолда, 1942 йилда партия ва давлат органлари томонидан енгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш режалари анча кўпайтирилди. Бу топшириқ Ўзбекистонга кўчириб келтирилган барча корхоналарнинг тўла қувватини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган эди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши тегишли моддий-техника базасини вужудга келтириш ва тармоқни хомашё, ёқилғи, электр энергия билан таъминлашни талаб қилди. Ўзбекистон енгил саноати урушгacha бўлган даврда ёрдамчи ишлаб чиқариш қувватига умуман эга эмас эди. Пойабзал қолиплари, химикатлар, бўёқлар ва ҳоказоларнинг асосий қисми ташқаридан келтириларди. Уруш бошлангач уларнинг келтирилиши тўхтаб қолди. Шунинг учун зарур материаллар ишлаб чиқаришни Ўзбекистонда ташкил этишга ҳаракат қилинди. Масалан, Тошкентдаги «Қизил тонг» тикув фабрикаси инженер-техник ходимлари тикув машинасининг мокиси ва унинг тўрларини ўzlари ишлаб чиқаришини йўлга қўйдилар<sup>20</sup> ёки Тошкент тўқимачилик комбинати 2-фабрикаси ходимларининг эски урчуқларни тиклаш тўғрисидаги муҳим таклифи инобатга олиниши натижасида 0,5 млн. сўм тежалди<sup>21</sup>.

<sup>18</sup> Сирожов О. Ўзбекистон саноати уруш йилларида. Тошкент: Ўзбекистон, 1981. 9-б.

<sup>19</sup> ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3318-йигмажилд, 11-варақ.

<sup>20</sup> Қизил Ўзбекистон. 1941 йил 20 август.

<sup>21</sup> Қизил Ўзбекистон. 1941 йил 13 август.

Ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналар тинч даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тайёрлашни деярли тўхтатдилар. Шу йўл билан озод этилган ишлаб чиқариш қувватлари ҳарбий буюртмалар бажарилишини таъминлашга йўналтирилди. Натижада 1940–1942 йиллар оралигига ахолига сотиш учун мўлжалланган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш 16% гача ва пойабзal 8% гача қисқарди<sup>22</sup>.

1943 йилдан кўчирилган корхоналарнинг тўлиқ ишга туширилиши ва таъминот бўйича баъзи муаммоларнинг ҳал этилиши билан енгил саноат қувватлари тиклана бошлади. Аммо урушнинг охирги йилида асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича 1941 йил дараҷасининг ярмига ҳам кўтарила олмади. 1941–1945 йилларда енгил саноат маҳсулотларидан фақатгина шойи мато ишлаб чиқариш ортди. Ўзбекистонда 1940 йилда 4534 минг метр шойи мато ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1943 йилда 4825 минг метр ва 1945 йилда 4725 минг метрни ташкил этди<sup>23</sup>. Шойи матолар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ҳарбий буюртмалар билан боғлиқ эди.

Замонавий урушда иқтисодиёт асосий аҳамият касб этади. Уруш давлатларнинг фақатгина ҳарбий эмас, шунингдек, иқтисодий тўқнашувидир. Буни қадимдан ҳукмдорлар ҳам, лашкарбошилар ҳам яхши англаган. «Ҳарбий иқтисодиёт» деганимизда бирон-бир давлат қуролли кучлари, унинг таъминот тизими, захиралари, армияни таъминловчи тизимини тушунишимиз керак. Ҳеч қайси армия иқтисодий мададсиз, ўқ-дори, ёқилғи, техника, кийим-кечак ва озиқ-овқат таъминотисиз жанг қила олмайди.

Юқорида келтирилган иқтисодиётни ҳарбий изга солишга йўналтирилган чора-тадбирлар ва оғир ижтимоий шароитларга қарамасдан саноат ходимларининг меҳнати туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти фронтни қурол-яроғ, жанговар техника, моддий ресурслар билан таъминлаш учун бор имкониятларини ишга солди. Иккинчи жаҳон уруши давомида Ўзбекистон 2100 та самолёт, 17342 та авиамотор, 2318 минг дона авиабомба, 17100 та миномёт, 4500 бирликдан иборат миналарни йўқ қилувчи қурол, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 млн. дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн. дона граната, дала радиостанциялари учун 3 млн. дона радио-

<sup>22</sup> История Второй мировой войны (1939–1945 гг.). М.: Воениздат, 1965. Т. 6. 75–76-б.

<sup>23</sup> Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг. Статистический сборник. ... 77-б.

лампа, қарийб 300 мингта парашют, 5 та бронепоезд, 18 та ҳарбий санитария ва ҳаммом-кир ювиш поезди, 2200 та кўчма ошхона ва бошқа қўпгина ҳарбий анжомлар етказиб берди<sup>24</sup>.

Шунингдек, аҳоли ҳам ҳаракатдаги армияни моддий қўллаб-куватлашга катта ҳисса қўши. Масалан, Ўзбекистон аҳолиси фронт учун 1941 йил сентябрь, октябрь, ноябрь ойлари мобайнида 1,174,972 жуфт кигиз этик, 2,767,232 кг жун, 5,213,107 дона калта пўстин, 1,293,818 дона пахталик шим, 2,062,706 дона қўй тери ва бошқаларни топширдилар<sup>25</sup>.

Кўриб чиқилган масалалар асосида қуйидагича хulosса қилиш мумкинки, 1941 йил охирига келиб шарқий ҳудудлар (Урал, Фарбий Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозогистон) чинакамига СССР нинг асосий саноат, хомашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таъминотчисига айланиб қолди. 1941 йилнинг иккинчи ярми ва 1942 йилда давлат иқтисадий ва ижтимоий ҳаёти барча соҳаларининг трансформацияси натижасида собиқ Иттифоқнинг шарқий ҳудудлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳарбий-саноат комплекси яратилди. Трансформация жараёни натижасида армиянинг қурол-яроғ ва бошқа керакли маҳсулотлар билан муттасил таъминланиши ҳамда саноат учун зарур асосий хомашё ва фойдали қазилмалар билан таъминот масалалари ҳал этилди.

<sup>24</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида ... 445-б.

<sup>25</sup> Қизил Ўзбекистон. 1941 йил 12 декабрь.

X. БАБАДЖАНОВ

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада мавжуд адабиётлар ва даврий нашр маълумотлари асосида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг трансформацияси масалалари ёритиб берилган. Шунингдек, уруш йилларида Ўзбекистон саноатининг ҳаракатдаги армияни моддий ресурслар ва техника билан таъминлашдаги роли кўрсатиб берилган.

*Калит сўзлар:* Иккинчи жаҳон уруши, трансформация, ҳарбий иқтисодиёт, ҳарбий ишлаб чиқариш ва таъминот, ишлаб чиқариш режаси.

X. БАБАДЖАНОВ

## ВОПРОСЫ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

В статье на основе имеющейся литературы и материалов периодических изданий освещена общая картина трансформации экономики Узбекистана в годы Второй мировой войны, а также роль промышленности Узбекистана в обеспечении действующей армии материальными ресурсами и техникой.

H. BABADJANOV

## TRANSFORMATION QUESTIONS OF THE ECONOMY OF UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF THE SECOND WORLD WAR

Based on the available literature and material of the periodicals this article illustrates the general picture of transformations of the economy of Uzbekistan during the years of the Second World War. The article also describes the role of industrial sectors of Uzbekistan in providing the Army in the Field with material resources and technology.

**X. БҮРНІЕВА**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИГА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ  
ЙИЛЛАРИДА ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНГАН ОБЪЕКТЛАР  
ВА УЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР**

Жаҳон ҳамжамиятининг ҳозирги замон тараққиёти даврида дунёда тинчликни сақлаш, мамлакатларнинг барқарор ривожланиши ва ўзаро ҳамжиҳатлиқда яшаси масалалари долзарб муаммолардан саналади. Бунда ҳалқларнинг тарихий келиб чиқиши, ўзаро муносабатлари, ҳудудий манфаатлари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, қадимги даврлардан бошлаб Марказий Осиё ҳалқларининг турли тарихий жараёнлари, антропогенез, этник, сиёсий, ижтимоий ва маданий ривожланиши ўзаро боғлиқ бўлиб, қатор умумий хусусиятларга эга. Ҳудудий жиҳатдан ҳам бир-бирига яқин жойлашган мазкур давлатлар ҳаётида юз берган йирик ҳодисалар бу ерда истиқомат қилиб келган ҳалқларга бевосита таъсир кўрсатиб келади. Тарихда бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Қарийб етмиш йил аввал, аниқроғи, XX асрнинг 40-йилларида дунёда фашизм-босқинчилиги туфайли улкан сиёсий фожеа — Иккинчи жаҳон уруши (1939—1945 йиллар) содир бўлган. Мазкур уруш гирдобига 72 та давлат тортилиб, расмий маълумотларга кўра, унда 110 млн. аҳоли иштирок этган ва 62 млн. киши ҳалок бўлган (шу жумладан, 27 млн. собиқ Иттифоқ республикалари аҳолиси). Босқинчиликнинг асосий мақсадларидан бири немис фашистларининг Гитлер бошчилигида Европа мамлакатларини босиб олиш ва янги ташкил топган Совет мамлакатини барҳам топтириш бўлган. Урушда ғалаба қозониш учун собиқ Иттифоқнинг барча ҳудудларидан аҳоли фаол қатнашган. Хусусан, Марказий Осиё ҳалқларининг бунда муносиб ўрни бор. Биринчидан, ушбу ҳудуд аҳолиси урушда ҳаракатланувчи армияни аскарлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, ҳарбий қурол-аслаҳа ва маблаг билан мунтазам таъминлаб турган; иккинчидан, маҳаллий ҳалқлар ўзларининг тинимсиз меҳнати билан катта ёрдам кўрсатгандар; учинчидан, мазкур ерларга уруш бўлган жойлардаги аҳоли ҳамда кўплаб ҳалқ хўжалиги объектлари эвакуация қилинган. Юқорида сабаб ўтилган омилларни бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этиш нафақат ушбу ҳудуд, балки қўшни мамлакатларда истиқомат қилув-

чи турли халқларнинг тотувлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу масалани ёритишида бирламчи манба ҳисобланган уруш даври ҳужжатлари, шу жумладан архив материаллари қимматли маълумотларга эга. Куйидаги мақолада Тошкент шаҳар давлат архивидаги 10-сонли жамғарма ҳужжатларида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентта эвакуация қилинган саноат обьектлари ва уларнинг номланиши ҳақида қайд этилган ахборот хусусида, шунингдек, эвакуация қилинган айrim заводларнинг кейинги йиллардаги фаолияти ҳақида сўз юритилади.

Тошкент шаҳар давлат архивида уруш йилларида, асосан, пойтахтнинг ўзига эвакуация қилинган обьектлар ва аҳоли тўғрисида маълумотлар учрайди. Эвакуация тадбирларини амалга ошириш учун республикада махсус идоралар – эвакопунктлар ташкил қилинган бўлиб, улар ҳукуматнинг аниқ кўрсатмалари ва қарорлари асосида иш олиб борган<sup>1</sup>. Эвакуация қилинган обьектлар ҳақидаги маълумотлар архив жамғармаларида тарқоқ ҳолда учрайди. Жумладан, шаҳарга эвакуация қилинган саноат ва маданий-маърифий обьектлар тўғрисидаги ҳужжатлар 10-сонли жамғармада, кўчириб келтирилган аҳоли бўйича маълумотлар 330-сонли жамғармада мавжуд. Шунингдек, эвакуация қилинган айrim корхоналар бўйича алоҳида жамғармалар ҳам ташкил этилган. Масалан, 102-сонли жамғарма – Ўзбексельмаш заводи, 2-сонли жамғарма – Андреев номли завод, 203-сонли жамғарма – Ташсельмаш заводига тегишли.

Таъкидлаш жоизки, ҳукумат органи бўлган Ижроия қўмитаси (Исполком)га тегишли 10-жамғармадаги ҳужжатларда, асосан, мажлисларнинг баённомалари ва уларга тегишли материаллар мужассамланган бўлиб, республика Халқ Комиссарлари Қўмитасининг (ХКС) баъзи қарорлари ҳам сақланиб қолган. Шу боис ушбу жамғармада эвакуация билан боғлиқ ҳукумат ва шаҳар бошқармаси қарорлари, сессия материаллари, ҳисоботлар, шунингдек, фуқароларнинг хатларини учратиш мумкин. Тадқиқ этилаётган мавзу юзасидан қаралган-

<sup>1</sup> Эвакуация пункти – эвакуация-транспорт ҳамда даволаш мұассасалари. Уруш йилларида уруш ҳудудларидан аҳолини, шунингдек, жангларда яраланган аскарларни тинч ерларга кўчириб келиш ҳамда уларга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. Улар таркибига турли ихтисосдаги госпиталлар, санитария хизмати бўйича транспорт воситалари, кир ювиш мұассасалари, дезинфекция ишларини амалга оширувчи бўлинмалар, ҳарбий шифокорлар ҳайъатлари кирган.

да, ушбу маълумотлар, асосан, эвакуация қилинган корхона, муасасалар ва уларнинг ишчи-ходимларини жойлаштириш, шаҳар аҳлини саноат обьектлари биноларини қуриш ишларига жалб қилиш, аҳоли ўртасида озиқ-овқатни тақсимлаш, эвакуация қилинган кишилар, фронтда хизмат қилаётгандарнинг оиласлари ва уруш ногиронларига ёрдам кўрсатиш масалаларини акс эттиради.

Ижроия қўмитаси қарорлари материалларининг таҳлили Тошкент шаҳрида урушнинг дастлабки кунлариданоқ ҳарбий ҳолатнинг қаттиқ интизом тартиблари ўрнатилгани ва бундай вазият ғалабага эришилгунга қадар сақланиб турганини кўрсатади<sup>2</sup>. Аҳолига ўзини-ўзи мудофаа қилиш, ҳаво ҳужумларидан ҳимояланиш қоидалари ўргатилган ва бундай тадбирлар бутун ҳарбий ҳолат давомида ташкиллаштирилиб, шаҳар бошқармаси томонидан жиддий назоратга олинган; мазкур ишлар учун масъул шахслар Ижроия қўмитасига мунтазам тарзда ҳисоб бериб турганлар; фуқароларни иш жойлари ёки истиқомат қилган худудлари бўйича тарқатма пунктларида озиқ-овқат билан таъминлашнинг карточка тизими жорий қилинган; кўчириб келтирилган одамларни қабул қилиб олиш, уларга яшаш жойлари, озиқ-овқат ва кийим-кечак тақдим этиш; эвакуация қилинган завод, фабрика ва бошқа муассасаларни жойлаштириш учун янги саноат обьектлари, аҳоли учун эса, янги тураржойлар қуриш республика пойтахти ва бошқа шаҳарлари олдида турган асосий масалалардан ҳисобланган. Ижроия қўмитаси раисининг маърузаларидан бирида бу ҳақида шундай ёзилган: «Фашист иблислари томонидан халқ бошига бало қилиб ёғдирилган бу уруш минглаб оиласларни бошпанасиз қолдирди. Улардан кўплари фронтолди худудларидан ўзбек республикаси, хусусан, Тошкент шаҳрига эвакуация қилиб келтирилган. Ўзбек халқи мисли кўрилмаган куч билан давлатимиздаги халқлар дўстлигининг нақадар мустаҳкам эканини намоён қилди. Ўзбек республикаси меҳнаткашлари армия хизматига кетган фуқароларнинг оиласларига ҳамда эвакуация қилинган инсонларга ёрдам кўрсатишдаги ўзларининг ва-

<sup>2</sup> Тошкент шаҳар давлат архиви. 10-жамғарма; 18-рўйхат, 31-йигмажилд, 17–20, 103–109, 166–171-вараклар; 37 а-йигмажилд, 140-варак; 37 б-йигмажилд, 6–8-вараклар; 50-йигмажилд, 1, 12, 41, 55–56, 119–125-вараклар; 65-йигмажилд, 185–187, 207–208-вараклар; 454-йигмажилд, 206–212-вараклар; 455 а-йигмажилд, 76, 81, 148-вараклар; 462-йигмажилд, 48–51, 114–119-вараклар; 476-йигмажилд, 213–218-вараклар; 487-йигмажилд, 59-варак; 500-йигмажилд, 174–175-вараклар; 514-йигмажилд, 78–84-вараклар ва б.

танпарварлик бурчларини чин юракдан ва алоҳида меҳрибонлик билан бажармоқдалар. Ҳозирги даврда куз-қиши мавсумининг бошланганлиги сабабли, кўчириб келинган аҳолини қулай шароитларга эга бўлган туаржой билан таъминлаш, армияда хизмат қилаётган фуқаролар оиласи, шунингдек, уруш ногиронларининг уйларини таъмиглаш масаласи катта аҳамият касб этади. Уй-жой, муассаса ва ташкилотларнинг идораларини таъмиглаш ишларини ташкиллаштиришда Тошкент шаҳар аҳолиси фаол қатнашиб келмоқда». Ушбу маъруза давомида кўплаб оила ва фуқароларга кўрсатилган ёрдам, шунингдек, бундай кишиларнинг яшаш манзиллари, ёрдам учун сарфланган маблағ ва бу тадбирларнинг натижаларини қайд этувчи далиллар келтирилган<sup>3</sup>. Таъкидлаш жоизки, бундай ҳисобот маърузаларда бажарилган ишлардаги ютуқлар билан бир қаторда, буйруқбозлик усулида фаолият олиб бораётган бაъзи бир мансабдор шахслар, уларга кўрсатилган хатоларини тўғирлаш учун белгиланган муддат ёки кўрилган чора ва жазолар хусусида ҳам тўхталиб ўтилган.

10-жамғарма ҳужжатларини шарҳ қилиш натижасида аниқ бўладики, бу ерда ХКС томонидан уруш йилларида чиқарилган Қарорлар бутун республикага тегишли бўлиб, айни эвакуацияга доир маълумотлар жуда кам учрайди. Ушбу Қарорлар, асосан, кўчириб келтирилган аҳолига ғамхўрлик кўрсатишда бошқарув муассасаларининг мажбуриятлари, эвакуация қилинган болалар ва ўсмирларга муомала қилиш қоидалари, уларни моддий таъминлаш йўл-йўриқлари, болалар безорилиги ва жиноятчилигига қарши курашиш чораларига доир чиқарилган. Масалан, ЎзССР ХКСнинг № 3841-р сонли Фармойиши қуидагича бўлган<sup>4</sup>:

«Иттиifoқ ХКСининг 1942 йил 2 июлдаги № 12298-р фармойишига кўра, ЎзССР Молия халқ комиссарига (Ниязовга): эвакуация қилинган алоҳида муҳтоҷ аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш учун республика бюджетидан 300 минг рубль ажратилсин. Кўрсатилган пул

<sup>3</sup> Тошкент шаҳар давлат архиви. 10-жамғарма, 18-рўйхат, 31-йифмажилд: «ХКС ва ЎзССР Олий Совети Қарорлари, Тошкент шаҳар Ижроия қўмитаси раисининг немис-фашист аскарларини мағлуб этиш тўғрисидаги маърузаси ҳамда Тошкент шаҳар фуқароларининг турмуш тарзини яхшилаш бўйича юқори ташкилотлар билан ёзишмалар»; 1-5-орқа варақлар.

<sup>4</sup> Тошкент шаҳар давлат архиви. 10-жамғарма, 18-рўйхат, 33-йифмажилд: «ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети қарорлари ва Тошкент шаҳар Ижроия қўмитаси фармойишлари, 1942, 1943, 1944 йиллар», 260-варақ.

миқдори вилоят ва муассасалар бўйича қуидагида тақсимлансин: Тошкент шаҳар Ижроия қўмитасига — 50 минг рубль, Тошкент вилояти Ижроия қўмитасига — 20 минг рубль, Самарқанд вилояти Ижроия қўмитасига — 20 минг рубль, Андижон вилояти Ижроия қўмитасига — 15 минг рубль, Фарғона вилояти Ижроия қўмитасига — 15 минг рубль, Наманган вилояти Ижроия қўмитасига — 15 минг рубль, Бухоро вилояти Ижроия қўмитасига — 23 минг рубль, Сурхондарё вилояти Ижроия қўмитасига — 10 минг рубль, Хоразм вилояти Ижроия қўмитасига — 4 минг рубль, Қорақалпоқ вилояти Ижроия қўмитасига — 4 минг рубль, ЎзКП (б) МҚнинг Маъмурий-молия бўлимига эвакуация қилинган партия ходимлари учун — 40 минг рубль, республика ХКС қошидаги Эвакуация қилинган аҳолини кўчириш ва хўжалигини жойлаштириш бўлимига — 15 минг рубль, республика Сиёсий ишлар бўйича бўлимга сиёсий эмигрантлар учун — 3 минг рубль, «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталари таҳрирятлари учун — 5 минг рубль, республика Ижтимоий таъминот халқ комиссарлигига эвакуация қилинган ногиронлар учун — 10 минг рубль, республика Маориф халқ комиссарлигига эвакуация қилинган ўқитувчилар учун — 25 минг рубль».

Бу борада эслатиб ўтиш жоизки, II жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга 1 млн. дан ортиқ киши эвакуация қилиб келтирилган ва уларнинг 200 мингтаси болалар бўлган. Шунингдек, мазкур даврда республика ҳудудига 200 та саноат корхоналари ва турли муассасалар кўчирилиб, шу жумладан, 150 таси Тошкент шаҳрида жойлаштирилган. Пойтахтда ушбу миқдордаги обьектларга жойлар берилгани ҳақида Ижроия қўмитасининг хужжатларида маълумотлар қайд этилган<sup>5</sup>. Афсуски, мазкур жамгарма хужжатлари орасида Тошкент шаҳрига уруш йиллари давомида эвакуация қилиб келтирилган барча обьектлар ва уларнинг номлари тўғрисидаги маълумотлар учрамайди, фақат шаҳарнинг айрим туманлари (районлари)да жойлаштирилган эвакуация қилинган ташкилотларнинг номлари қайд этилган. Хусусан, Ленин (ҳозирги Миробод тумани) районида (1-жадвал)<sup>6</sup>:

<sup>5</sup> Тошкент шаҳар давлат архиви. 10-жамгарма, 18-рўйхат, 476 б-йигмажилд: «Тошкент шаҳар советининг 1943 йил 27 мартағи 10-сонли ийфилиши баённомаси», 16-варак.

<sup>6</sup> Тошкент шаҳар давлат архиви. 10-жамгарма, 18-рўйхат, 36 б-йигмажилд: «Заводларни жойлаштириш ва уларнинг ишчилари учун туаржой ажратиш тўғрисидаги эвакогруппа ахбороти», 11–14, 19, 25–26, 30-вараклар.

1-жадвал

**Ленин райони тураржой бошқармаси бўйича эвакуация қилинган заводларни  
жойлаштириш тўғрисида ахборот**

1942 йил февраль ойи ҳолати

№	Ташкилот номи	Жами	
		берилган ордерлар сони	кўчиб киргандар микдори
1.	Ростов заводи	140	291
2.	Трансигнал заводи	298	778
3.	Подъемник заводи	323	946
4.	Чкалов заводи	139	192
5.	Канатний заводи	137	404
6.	Харьков заводи	302	965
7.	Днепропетровский заводи	431	925
8.	Каганович заводи	297	500
9.	Завод № 191	285	457
10.	Завод № 84	354	805
11.	Россельмаш заводи	100	289
12.	Военфак РККА	18	60
13.	Ленин РВК	2	8
14.	Фрунзе Академияси	5	18
15.	Сталин Академияси	134	219
16.	НИИП РККА	10	22
17.	НКВД кичик лейтенантлари курслари	5	19
18.	НКВД кавалерия билим юрти	69	152
19.	№ 9 касб-хунар билим юрти	9	463
20.	НКВД 31-трести	3	115
21.	Наркомстрой 34 трести	2	10
22.	Ташсельмаш заводи	5	8
23.	Госзнак заводи	31	82
24.	Гоголь кўчасидан кўчирилган объект	13	38
25.	Львов джази	12	17

№	Ташкилот номи	Жами	
